Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 165 (20. 133) • 1988 йил 19 июль, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга доир музокаралар тўғрисида БАЁНОТИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европа хавфсизлиги ва ялпи хавфсизлик манфаатлари Европада — Атлантикадан Уралгача қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни анча қисқартиришга ўтишни қатъий талаб этмоқда, деб ҳисоблайдилар. Улар мазкур масала юзасидан музокаралар кечиктирилмай, 1988 йилдаёқ бошланиши тарафдоридирлар.

Иттифоқчи давлатлар шунга аминдирларки, ҳар иккала иттифоқ ҳарбий потенциалларни тубдан қисқартириш, қитъада НАТО ва Варшава Шартномаси мамлакатларида фақат мудофаа учун зарур бўлган, бироқ тўсатдан ҳужум қилиш ва ҳужум операцияларини амалга ошириш учун етарли бўлмаган кучлар ва воситалар қоладиган ҳолатга эришишни ана шу музокараларнинг энг устун даражадаги вазифасидир. Бундай ҳолатга эришиш ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет—Америка Шартномаси амал қилаётган шароитда Европада ҳарбий-сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаган қуролсизланиш, ишончни мустаҳкамлаш ва уруш хавфини камайтириш йўлидан яна олға томон ҳаракат қилишга кўмаклашган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шунга асосланадиларки, қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш билан бир вақтда ҳарбий ҳаракатлар тегишли равишда камайтирилади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзлари 1986 йил июнь ойида Будапештда илгари сурган ва 1987 йил май ойида Берлинда тўлдирилган Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш қўшма программасига мувофиқ иш тутиб, тегишли музокараларнинг биринчи босқичи давомида қуйидаги масалалар ҳал этилиши учун ҳаракат қиладилар.

1. БАРАВАР ПАСАЙТИРИЛГАН ДАРАЖАЛАРГА ЭРИШИШ

Иккита ҳарбий-сиёсий иттифоққа кирган давлатларнинг қуролли кучлари сони ва оддий қурол-яроғлари миқдори жиҳатидан тахминан баравар (мутаносиб) коллектив даражаларига эришиш музокаралар биринчи босқичининг пировард мақсади бўлиши лозим. Бу даражалар ҳозирги вақтда томонларнинг ҳар биридаги мавжуд даражалардан пастроқ бўлур эди.

Бундай даражаларга эришиш жараёни Умумевропа ва регион кўламларида босқичма-босқич амалга оширилган бўлур эди. Энг аввало, диққат-эътиборни Европадаги икки ҳарбий-сиёсий иттифоқ оддий қурол-яроғларининг айрим турлари ва қуролли кучлари хусусидаги номутаносибликни ва номувофиқликни ўзаро бартараф этиш масалаларига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Номутаносиблик ва номувофиқликни бартараф этиш қисқартириш районидан қўшинларни олиб чиқиб кетиш ва кейинчалик уларни тарқатиб юбориш ёки шу жойнинг ўзида тарқатиб юбориш, шунингдек мумкин бўлган бошқа чоралардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилган бўлур эди. Қисқартириладиган қурол-яроғлар ва ҳарбий техника бунинг учун махсус ажратилган жойларда йўқ қилиб ташланиши ёки аҳдлашувга мувофиқ тинч мақсадларда фойдаланиш учун топширилиши мумкин бўлур эди. Қурол-яроғлар ва техниканинг бир қисмини вақтинча омборларга жойлаб қўйишни ҳам кўзда тутиш мумкин эди. Бундай жойлаб қўйиладиган омборлар доимий халқаро контрол остида бўлур эди.

Биринчи босқичнинг пировард мақсадларига эришиш қўшинлар ва қурол-яроғларни шундан кейин ўзаро анча қисқартиришга негиз яратган бўлур эди. Иккинчи босқичда томонлардан ҳар бирининг қуролли кучлари уларнинг штатидаги қурол-яроғлар билан биргаликда чамаси 25 процент (тахминан 500 минг киши) қисқартирилиши; учинчи босқичда қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғлар янада қисқартирилиб, ҳар икки томоннинг қуролли кучлари қатъий мудофаа характерида бўлиши таъминланган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар музокаралар бошланган пайтда унда эришилган битимлар кучга киргунга қадар музокараларнинг барча қатнашчилари музокара мақсадларига зид келадиган ҳаракатларни қилмасликларини, хусусан, Атлантикадан Уралгача ўз қуролли кучларини ва оддий қурол-яроғларни кўпайтирмасликларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар.

Битимлар кучга кириши биланоқ музокараларнинг барча иштирокчилари дастлабки қисқартириш доирасига кирмайдиган территорияларда ўз қуролли кучлари ва оддий қуроллари кўпайтирмаслик мажбуриятларини олган бўлур эдилар.

2. ТЎСАТДАН ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖУМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Тўсатдан ҳужум қилиш ҳавфини камайтириш ва бартараф этиш чоралари Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолур эди.

Шу мақсадда биринчи босқичдан бошлаб икки ҳарбий-сиёсий иттифоқ бақамти турган чизиқ бўйлаб, қурол-яроғлар даражаси камайтирилган минтақалар (зоналар) барпо этилиб, ана шу ерлардан оддий қурол-яроғларнинг базиятни беқарор қилувчи энг хавфли турлари олиб чиқиб кетилиши ёки қисқартирилиши мумкин бўлур эди. Натижада ана шундай минтақаларда (зоналарда) ҳарбий потенциалнинг фақат мудофаани таъминлайдиган ҳамда тўсатдан ҳужум қилиш имкониятини истисно қиладиган даражаси сақланиб қолур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг АХБОРОТИ

1988 йил 15—16 июль кунлари Варшавада дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Тодор Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Георгий Атанасов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Добри Журов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри Петр Младенов; БКП Марказий Комитетининг секретари Димитр Станишев;

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари, ВХР Министрлар Советининг Раиси, делегация бошлиғи Карой Грос; ВСИП Марказий Комитетининг секретари Матьяш Сюреш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри Петер Варкони; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ференц Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Эрик Хонеккер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси Вилли Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Херман Аксен; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Хайнц Кесслер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Эгон Кренц; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Гюнтер Миттаг; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри Оскар Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Войцех Ярузельский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси Збигнев Месснер; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Юзеф Чирек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри Флориан Сивицкий; ПБИП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитети секретариати канцелярияси-нинг мудири Богуслав Колодзейчак; ПХР ташқи ишлар министри Тадеуш Олеховский;

Руминия Социалистик Республикасидан — Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти, делегация бошлиғи Николае Чаушеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри Константин Дэскэлеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари Ион Стоян, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР миллий мудофаа министри Василе Миля; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Иоан Тоту; РСРнинг ПХРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ион Тешу;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи М. С. Горбачев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов; КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи Милош Якеш; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Густав Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари Васил Биляк; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Богуслав Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри Милан Вацлавик қатнашдилар.

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов; Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Генрик Ярошек ҳам иштирок этдилар.

1. Кенгаш қатнашчилари шуни қайд этдиларки, социалистик мамлакатларнинг, халқларнинг, кенг жаҳон жамоатчилигининг куч-ғайратлари, турли давлат ва сиёсат доиралари намоён этган реализм натижасида халқаро турмушда муайян қулай тенденциялар сезилмоқда. Мухолифлик камая бошлаганида, Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги алоқалар кучайишида, қуролланиш пойгасини жиловлаш, ҳарбий харажатларни қисқартириш ва маҳаллий можароларни бартараф этиш учун қулайроқ шарт-шароитлар яратилишида шу нарса намоён бўлмоқда.

Айни вақтда яхшилик сари туб бурилиш ҳали рўй бергани йўқ. Дунёдаги аҳвол мураккаб ва зиддиятли бўлиб турибди. Жуда кўп миқдордаги ядро қуроллари сақланиб қолмоқда, ядро синовлари давом этмоқда, қурол-яроғларнинг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Инсоният, планетамиздаги ҳаётнинг ўзи йўқ бўлиб кетиши хавфи тугатилмаган.

Вакиллари кенгашда қатнашган давлатлар халқаро майдондаги хайрли жараёнларни ривожлантириш, уларни муқаррар тус олдириш учун бундан буён ҳам имкони бўлган ҳамма ишларни қилаверадилар. Улар барча мамлакатларга мурожаат этиб, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланишни амалга ошириш, кенг мулоқотга ва халқаро турмушни демократиялашга кўмаклашувчи муҳитни вужудга келтириш манфаатлари йўлида кучғайратларни бирлаштириш ва кўпайтиришга чақирадилар:

2. Урушнинг олдини олиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга, аввало, ядровий қуролсизланишга қатъият билан ўтиш ҳозирги замоннинг туб масаласидир, деган умумий фикр билдирилди.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар оммавий қирғин ва зўравонлик қуролидан ҳоли бўлган, ўзаро тенг хавфсизлик, демократик ижтимоий турмуш, тенг ҳуқуқли кенг ҳамкорлик принципларига асосланган дунё идеалларига ўзларининг содиқ эканликларини тасдиқлайдилар. Улар барча давлатларни давримизнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш тарафдоридирлар. Халқаро муносабатда улар жаҳон ҳамжамиятининг эҳтиёжлари ва орзу-умидларига имкони борича кўпроқ мос бўлиб тушадиган, барча мамлакатлар ва халқларнинг эркин, мустақил ривожланишига кўмаклашадиган тарзда ҳаракат қилишга интиладилар.

3. Кенгаш қатнашчилари ўз мамлакатларидаги ички ривожланиш ва ўзгартиришлар тўғрисида бир-бирларига ахборот бериб, фикрлашиб олдилар. Улар социалистик қурилиш назарияси ва практикасига ижобий ёндашиш, дунёда рўй бераётган ўзгаришларни эътиборга олиш, бошқа халқларнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Кенгашда социалистик мамлакатларнинг халқаро тараққиётдаги роли, улардан ҳар бирининг тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳамкорлик умумий ишига қўшаётган ҳиссасининг аҳамияти қайд этилди. Кенгаш қатнашчилари дунёнинг яхлитлиги ва кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлигига, барча давлатлар ўртасидаги муносабатларда умумбашарий қадриятларнинг устунлигини қарор топтириш заруратига асосланиб иш тутадилар.

4. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка Шартномаси кучга киргани-лигини табриклайдилар. Улар бу Шартномани амалдаги қуролсизланишнинг биринчи муҳим тадбири деб ҳисоблайдилар, шу тадбирдан кейин мазкур соҳада ва, аввало, ядро қуролини кўп миқдорда қисқартириш ва бора-бора уни бутунлай йўқ қилиб ташлаш юзасидан бошқа битимлар ҳам тузилиши лозим.

Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари қуролсизланиш жараёнига халақит бериши ва уни чигаллаштириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни ташвишланиб қайд этадилар. Улар, жумладан, тугатилаётган ўртача ва камроқ олислик ракеталарининг ҳиссасини бошқа қуролларни кўпайтириш ва кенг миқёсда модернизация қилиш орқали чиқариб олиш режаларини мана шундай хавф деб биладилар, бу режаларнинг амалга оширилиши қуролланиш пойгасининг янги давраси бошланишига олиб бориши мумкин.

5. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар социалистик мамлакатлар билан бошқа мамлакатлар ўртасидаги амалий мулоқотнинг, олий ва юқори даражадаги учрашувлар ва визитларнинг, ҳамжиҳатлик ва тинчлик ишига хизмат қиладиган аҳдлашувларнинг аҳамиятини таъкидладилар. Кенгаш қатнашчилари Совет — Америка мулоқоти ривожланаётганини ижобий баҳоладилар ва ўз давлатларининг Совет Иттифоқи ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдан иборат позициясини ҳамда ўзларининг олий даражадаги музокаралар қуролсизланиш соҳасида янги салмоқли битимлар тузилишига, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида бундан буёнги амалий чора-тадбирлар қабул этилишига олиб келадиган бўлиши учун ҳамма ишни қилишга қарор бергани-кларини таъкидладилар.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар шуни маълум қиладиларки, уларнинг ҳар бири халқаро вазиятни соғломлаштириш, Европадаги тинчликни ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида алоқалар ва ҳамкорликни бундан буён ҳам кучайтираверадилар.

Қуролсизланишни амалга оширишдан бутун инсоният манфаатдор эканлигига асосланиб, қуролсизланишга онд музокараларда барча манфаатдор давлатларнинг қатнашиши зарурлиги таъкидланди. Ҳозирги шароитда халқаро хавфсизликни, халқларнинг яшаш, эркин, мустақил ва муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқини ишончли равишда таъминлаш манфаатларини кўзлаб, янгича фикрлашни, уруш ва тинчлик масалаларига янгича ёндашишни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 16 июль куни Варшавадан Москвага қайтиб келди. У ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Ярузельский ва ПХР Олий давлат ҳокимияти таклифига биноан расмий дўстлик визити билан ПХРга борган, шунингдек Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашидаги Совет делегациясига бошчилик қилган эди.

М. С. Горбачев билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов қайтиб келдилар.

* * *

Шу куни Совет делегацияси составида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши ишида иштирок этган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов Варшавадан Москвага қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачев билан делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Н. Н. Демичев, Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Э. Лукош бор эди.



Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозида Моҳира Ғафурбекова илғор сут соғувчи сифатида танилган. У боқимидаги 23 сигирнинг ҳар биридан 3443 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган.
Суратда: М. Ғофурбекова.
М. НУРИДДИНОВ фотоси.

«Ҳосил-88»: «Дала—редакция» телефон линиясида

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Телефонда: Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз правлениесининг раиси Рустам АКБАРОВ:

— КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси барча қатори менда ва колхозимиз аъзоларида ҳам катта таассурот қолдирди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев томонидан қилинган докладдаги мана бу сатрлар бизнинг қалбимизга яқиндир: **«Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг ижара ҳамда бошқа самарали усулларини ҳамма жойда кенг жорий этиш — озиқ-овқат мўл-кўллигига эришишнинг энг қисқа ва ишончли йўли эканини тажриба кўрсатиб турибди. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг энг муҳим бўғинидир. Нисбатан қисқа муддатларда ҳосилдорликни ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини анча кўтариш, нобудгарчиликни камайтириш ва яхши сифатли маҳсулотлар бериш мумкинлигини ижарачи ва пудратчи коллективлар ишининг якунлари исботлади. Мамлакат озиқ-овқат муаммосини қачон ҳал этади, деган асосий саволнинг жавобини мана шу тажрибадан топиш мумкин».**

Шу гапларни телевизор орқали эшитдим-у, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 13 май сонида эълон қилинган «Деҳқонга фармон шартми?» сарлавҳали публицистик мақолани эсладим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам эндиликда деҳқонга буйруқ бериш шарт эмас. Бугунги деҳқон ўз еринининг ҳақиқий хўжайини. Чунки у ўз еринининг сир-асрорини, қандай қилса ернинг самарадорлигини ошириш мумкинлигини бошқалардан кўра яхшироқ билади. Зеро конференцияда бу ҳақда алоҳида ўтилди. Колхоз ва совхозларга буйруқ бериш йўлидаги ҳар қандай уринишлар тўхтатилиши керак.

Колхозимиз мисолида гапирадиган бўлсак, ҳозирги пайтда биз буйруқбозликка йўл қўймасликка интиляпмиз. Деҳқонларимиз ернинг ҳақиқий хўжайинига айланишди. Хўжалигимизда йилнинг дастлабки ҳосили — пилла етиштириш бўйича йиллик план анча ортиғи билан бажарилди. Давлатга пландаги 7700 килограмм ўрнига 7800 килограмм пилла сотилди. Ўз-ўзидан маълумки, пиллакорларнинг даромади ҳам шунга яраша юқори бўлди.

Фирма магазинларимизда қишин-ёзин сабзавот-мева маҳсулотларининг аримаслиги ҳам колхозчиларимизнинг ҳалол меҳнатидан. Қишки дала — теплицада етиштирган маҳсулотларимиз ҳам элга манзур. Айниқса, қўзиқоринннинг шампиньон турини кўплаб етиштириб бераётганимиз истеъмолчиларга ҳам, ўзимизга ҳам фойда келтирмоқда.

Мана йилнинг биринчи ярми якунланди. Хўш, биз бу вақт ичида нималарга эришдик? Аввало эртаки карам сотиш планини ортиғи билан бажардик. Айни кунларда давлатга кунига 30—35 тоннадан помидор топширяпмиз. План 80 процентдан ошди. Бу йил 700 тонна сабзи етиштириш планлаштирилган эди. Ҳозиргача 500 тоннадан зиёд топширдик. Йиллик топшириққа кўра 1100 тонна бодринг сотишимиз керак эди. Ҳозир бу кўрсаткич 955 тоннадан ошди. 80 тонна ўрнига 136 тонна саримсоқ пиёз тайёрлаб, топшириқни 170 процентга етказдик.

Мусобақа илғорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Тоҳир Жалилов, Адҳам Маҳкамов, Жўра Раҳбаров бошлиқ бригадалар аллақачон йиллик планларини бажариб қўйиб, мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Хўжалигимизга келган меҳмонлар бу ерда қад ростлаб турган «дирижабл»ни кўриб ҳайрон бўлмоқдалар. Бу — учиш аппаратига ўхшаб кетадиган сабзавот омбори биноси. Яқингинада қуриб битказилган бу объект республикада ягонадир. Уни «Узагропромстрой» мутахассислари қуришди. «Дирижабл»да 500 тонна сабзавот сақлаш мумкин. Бундан ташқари 2 минг тонна сабзавот сақланадиган омборхоналаримиз ҳам мавжуд.

Демоқчиманки, ҳозирги қайта қуриш даврида фақат маҳсулот етиштириш билан ҳамма иш битди, дейиш ярашмайди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, қайта ишлаш, асраш ва сотишни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш, қайта ишловчи корхоналарни қўпайтириш, уларни техника билан қайта қуроллантиришга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш зарур, деб ўйлайман. Агросаноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини шу асосдагина кескин оширишимиз мумкин.

Сир эмаски, кўпгина сабзавотчилик хўжаликларида машина-механизмлар етишмаслиги оқибатида помидор, бодринг ҳосили ўз вақтида йиғиштириб олинмайди, уларнинг кўп қисми далада ёқ нобуд бўлади, истеъмолчига манзур ҳолда етиб бормайди. Устига-устак, айни пишиқчилик пайтлари савдо ташкилотлари турли баҳоналар билан уларни вақтида қабул қилишмайди. Агар ҳамма хўжаликларда музхона ёки қайта ишлаш цехи бўлса, фойдадан холи бўлмасди.

Колхозимиз тажриба хўжалиги бўлгани сабабли бу борада ҳам муайян ишлар қилиняпти. 1986 йил хўжалигимизда 5 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган консерва заводи қурила бошланган эди. Ҳозир у битиш арафасида. Қурувчилар уни август ойида фойдаланишга топширишга ваъда беришган. Корхона ишга тушгач, бутун районимиз, ҳатто қўшни Оржоникидзе райони хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳам шу ерда қайта ишланиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, чиқиндисиз технология асосида ишлаш — шу кунинг талаби. Бу ҳақда КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида ҳам алоҳида таъкидланди, ахир.

Линияда «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири Ш. МИРҲАБИБОВ навбатчилик қилди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг АХБОРОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

6. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар НАТОга аъзо бўлган давлатларга, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган мамлакатларга, бутун халқаро ҳамжамиятга яна бир бор мурожаат этиб, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида тезроқ йирик битимлар тузиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида куч-ғайратларни оширишга, шу йўлдан олға боришда қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилмасликка чақирадилар.

Қуролсизланиш соҳасида биринчи галдаги вазифалар орасида улар қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатадилар:

ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги шартнома 1972 йилда қай тарзда имзоланган бўлса, унга шу тарзда қатъий риоя этиш ва келишиб олинган давр мобайнида ундан чиқмаслик шарти билан СССР ва АҚШнинг стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида шартнома тузиш;

ядро қуроли синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш ҳамда шу мақсадга эришиш йўлидаги қадамлар тарзида, СССР билан АҚШнинг 1974 ва 1976 йиллардаги шартномаларини тезроқ ратификация қилиш мақсадида контролнинг самарали чора-тадбирлари ҳақида битим тузиш, шунингдек СССР билан АҚШнинг ядровий портлатишлари қуввати ҳамда миқдорини келгусида камайтириш тўғрисида битимлар тузиш;

химиявий қуролни тўлатўкис тақиқлаш ва унинг запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида конвенция тузиш;

Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириб, ҳарбий харажатларни шунга мувофиқ равишда камайтириш.

Қуролсизланиш жараёнида бўшатиб олинадиган маблағ иқтисодий ва социал ривожланиш эҳтиёжларига сарфланиши лозим.

7. Кенгаш қатнашчилари шуни қайд этадиларки, Венада Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокаралар мандатини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда ва Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ва қуролсизланишга бағишланган конференциянинг ишини қайтадан бошлаш истиқболлари очилмоқда.

Улар ўз давлатларининг НАТОга аъзо бўлган мамлакатларга Европадаги қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғлар тўғрисидаги маълумотларни бир-бирига топшириш тўғрисида қилган таклифлари актуаллигини уқтириб ўтдилар. Бўлажак музокараларда олға томон тез ва самарали силжиш манфаатларини кўзлаб, шу маълумотларни музокаралар бошланишида айирбошлаш, башарти, имкони бўлса, музокаралар бошланғунча айирбошлаш, музокаралар бошланиши биланоқ жойларда инспекция ўтказиш йўли билан мазкур маълумотларни текширишни кўзда тутиш мумкин бўлур эди.

Иттифоқчи социалистик давлатлар Умумевропа миқёсида ҳам, шунингдек айрим регионларда ҳам мавжуд номутаносиблик ва мувозанатсизликни тугатишга, Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни анча миқдорда қисқартиришга олиб бора оладиган, кўқисдан ҳужум қилиш ва ҳужум операциялари олиб бориш имкониятини истисно этадиган битимни имкони борича тезроқ тузишга ҳаракат қилишга азму қарор берганликларини тасдиқладилар.

Улар ҳозир амал қилиб келаётган ишонч ва хавфсизлик тадбирларини ривожлантириш ва кенгайтириш билан айни бир вақтда Европада мана шу соҳада янги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, жумладан, Европадаги ҳарбий фаолиятни чеклаш ва ҳарбий-ҳаво ҳамда ҳарбий-денгиз кучларининг мустақил фаолиятини мана шу чора-тадбирлар билан қамраб олиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Кенгашда Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга оид музокаралар тўғрисида ҳужжат қабул қилинди.

Европа қитъасидаги барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатлар Европа теварагидаги денгиз ва океанлар акваторияларида ҳарбий активликни камайтириш, Европа Шимолидаги ва Арктикадаги ҳарбий қарамақаршн туриш даражасини пасайтириш, Ўрта ер денгизини тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга оид чора-тадбирлар билан тўлдирилиши лозим.

Кенгаш қатнашчилари Варшава Шартномасида ва НАТОда қатнашувчи давлатларнинг вакиллари иккала ҳарбий иттифоқнинг ва улар қатнашчиларининг ҳарбий доктриналари ҳамда концепцияларига фақат мудофаа тусини бериш мақсадида ҳарбий доктриналарнинг ҳарбий-техник жиҳатларини эътиборга олиб, уларни бир-бирига таққослаб чиқишлари хусусидаги ўз таклифини яна таъкидлайдилар.

Вакиллари кенгашда қатнашган давлатлар Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳарбий харажатларни кўпайтирмаслик ва камайтириш тўғрисида бевосита музокаралар бошлаш ҳамда ўзаро асосда ҳарбий харажатларни бир-икки йилгача кўпайтирмасликларини эълон қилиш тўғрисидаги ўз таклифларини эслатиб ўтадилар.

8. Иттифоқчи социалистик давлатларнинг фикрича, Европадаги тактик ядро қуролини, шу жумладан икки ёқлама вазифани ўтовчи воситаларнинг ядровий компонентларини қисқартириш, сўнгра эса йўқ қилиб ташлаш юзасидан яқин келгусида алоҳида музокаралар бошлаш қитъада барқарорликни мустаҳкамлашга ва уруш хавфини камайтиришга мувофиқ келган бўлур эди.

9. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шунга асосланиб иш тутадиларки, Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш жараёни айрим регионлардаги хавфсизликнинг ўзига хос муаммоларини ҳам ҳал этишга хизмат қилиши лозим. Шу маънода улар Марказий Европага, Шимолий Европага, Болқон ярим оролига, қитъада иккала иттифоқ бақамти бўлиб турган чизиқ бўйлаб ўтадиган зонага таллуқли ўзларининг биргаликдаги ва якка таклифларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлайдилар.

10. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар шуни қайд этадиларки, гарчи БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган III махсус сессиясида якунловчи ҳужжатни қабул этишга муваффақ бўлинмаган бўлса-да, бу сессия кўпчилик давлатлар барча соҳаларда ва, аввало, ядро қуроли соҳасида қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш юзасидан кескин чора-тадбирлар кўрилиши ва қуролсизланиш муаммоларига янгича ёндашувлар тарафдори эканлигини намойиш этди. Кенгаш қатнашчилари шундай музокаралар жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида барча давлатларнинг куч-ғайратларини бирга қўшиш, музокаралар механизмини такомиллаштириш, бу ишда БМТнинг ролини ошириш тарафдоридирлар.

11. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар тинчлик ва ҳамкорлик ҳукмрон бўлган яхлит Европани, «умумий Европа хонадони»ни биргаликда барпо этиш, унда яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини қарор топтириш ғоясига амал қилмоқдалар. Хельсинки Якунловчи актининг, шунингдек Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган мамлакатлар вакиллари Мадрид учрашуви якунловчи ҳужжатининг қоидалари шу жараённинг пойдеворидир, бу қоидаларга қатъий риоя этиш Европа давлатлари ўртасида ҳамжиҳатликни ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамияти ўртасида расмий муносабатларнинг ўрнатилиши ҳам шу мақсадга мос бўлиб тушади.

Кенгашда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий иттифоқларни айни бир вақтда тарқатиб юборишни кўзда тутувчи позицияси ўзгармаслиги тасдиқланди.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар шуни таъкидладиларки, чегараларнинг бузилмаслиги, мавжуд территориал-сиёсий реалликларнинг давлатлар суверенитети ва территориал бутунлигининг, давлатлараро муносабатларда ҳамма эътироф этган бошқа принциплар ва нормаларнинг ҳурмат қилиниши Европада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолишнинг шартидир. Шу реалликларни ва уларнинг бузилмаслигини шубҳа остига олиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик манфаатларига, 70-йилларда тузилган шартномалар ва битимларга, Хельсинки Якунловчи актига зид бўлиб тушади ва бу уринишлар кескин зарбага учрайди.

12. Кенгаш қатнашчилари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчиларининг Вена учрашуви мазмундор ва мувозанатли ҳужжат қабул этилиши билан тезроқ тугалланиши керак, деган фикрни билдирдилар. Вена аҳдлашувлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабат принципларини мустаҳкамлашга, ишонч ва қуролсизланишни мустаҳкамлаш жараёнига изчиллик бахш этишга, барча соҳаларда кенг ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган бўлиши лозим. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар Вена учрашувининг барча қатнашчиларини учрашувнинг якунловчи қисмида ҳал бўлмай турган масалаларнинг ечимини топиш учун сиёсий ирода намойиш этиб, имкони борича кўп амалий куч-ғайрат сарфлашга чақирадилар. Кенгаш қатнашчилари ҳам айни шу тарзда иш тутадилар. Улар мазкур учрашувнинг ташқи ишлар министрлари иштирокида тугалланиши тарафдоридирлар.

13. Иттифоқчи социалистик давлатлар БМТ Уставига қатъий риоя этиш, унга асос қилиб олинган имкониятларни рўёбга чиқариш асосида халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтиришда, шу мақсадда барча соҳаларда — сиёсий-ҳарбий, иқтисодий, гуманитар, экологик соҳаларда ишонч ва халқаро ҳамкорлик чора-тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашишга азму қарор берганликларини тасдиқлайдилар.

Кенгаш қатнашчилари БМТ Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида давлатларнинг ялпи хавфсизликни таъминлашнинг конкрет жиҳатларига, жумладан БМТ ва унинг бош органлари самарадорлигини, БМТ Бош секретарининг ролини ошириш, чунончи давлатлар ўртасидаги можароларни музокаралар, холис хизмат, воситачилик ёки яраштириш йўли билан бартараф этишга, БМТнинг тинчликни сақлаб туриш соҳасидаги ҳарбий кузатувчилари ва қуролли кучларидан янада кенгроқ фойдаланишга, давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устунлигини тасдиқлашга умумий ёндашувларни қидиришни кучайтириш лозим, деган фикрни айтдилар.

Кенгашда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қатъият билан қуролсизланишга, аввало, ядровий қуролсизланишга ўтиш, БМТ ва унинг аъзолари фаолиятида кенг қамровли хавфсизлик ғояларини амалда рўёбга чиқариш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирлар кўрилишида ноҳукумат ташкилотларнинг, олимлар, врачлар, маданият арбоблари ҳаракатларининг, жаҳон жамоатчилиги кенг доиралари намояндаларининг ҳиссаси аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар миллий мустақиллик, суверенитет, куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги ва территориал бутунлик, низоларни тинч ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик принципларини ҳамда БМТ Устави, Хельсинки Якунловчи актининг бошқа принциплари ва мақсадларни, халқаро муносабатларда ҳамма эътироф қилган бошқа нормаларни барча мамлакатлар қатъий ҳурмат қилиши зарурлигини яна таъкидладилар.

14. Экологик хавфсизлик масалалари хусусида фикрлашиб олинди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш барча соҳаларда халқаро хавфсизликни таъминлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш, биринчи галда ядровий қуролсизланиш билан чамбарчас боғлиқлигига ишонч изҳор этилди. Аҳоли зич яшайдиган, қурол-яроғлар, заҳарли ва хатарли ишлаб чиқаришлар ҳаддан ошиб кетган Европада экологик хавфсизлик муаммоси бениҳоя кескин бўлиб турибди. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар инсониятнинг омон қолиши, унинг олға ривожланиши манфаатларини кўзлаб экология муаммоларини ҳал этишда ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда фаол қатнашишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Қуролланиш пойгасининг атроф-муҳит учун оқибатлари ҳамда экологик хавфсизликнинг бошқа жиҳатлари хусусида ҳужжат қабул қилинди.

15. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатларнинг раҳбарлари ҳозирги вазиятда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва шу ҳуқуқларни амалга ошириш ҳамда гуманитар соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга молик эканига ишонч билдирадилар. Уларнинг фикрича, инсоннинг тинчлик ва озодлик шароитида яшаш ва меҳнат қилиш, сиёсий, гражданлик, иқтисодий, социал, маданий ва бошқа ҳуқуқлари жамулжам тарзда ҳамда давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик шароитида тўла-тўкис амалга оширилиши учун ҳамма ишлар қилиниши лозим.

16. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг раҳбарлари дунёда мавжуд бўлган кескинлик ва можаро манбалари тўғрисидаги масала хусусида фикрлашдилар. Улар ўз давлатларининг бу манбалар томонларнинг ҳаққоний манфаатларини эътиборга олиб, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиб, сиёсий воситалар билан бартараф этишга фаол кўмаклашишга азму қарор берганликларини тасдиқладилар.

Кенгаш қатнашчилари Афғонистондаги аҳволни сиёсий бартараф этиш жараёни бошланганини табриклайдилар. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатларнинг фикрича, Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан ҳар қандай аралашувга чек қўйиш ҳамда Афғонистон республикасининг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, унинг ички ишларига аралашмаслик, мамлакатнинг демократик, эркин ривожланишини таъминлаш асосида афғонлар масаласи тўла-тўкис бартараф этилишига кўмаклашиш зарур.

17. Кенгаш қатнашчилари жаҳон сиёсатининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда қўшилмаслик ҳаракатининг ошиб бораётган ижобий ролини табриклайдилар.

Кенгаш қатнашчилари кам ривожланганликни бартараф этиш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш ҳамда ташқи қарздорлик масалаларини одилона ҳал этиш мақсадидаги куч-ғайратларни ошириш керак, шундай қилиш жаҳон экономикасининг барқарорлигига ва ҳамкорлигига кўмаклашган бўлур эди, деган фикрни билдирдилар.

18. Кенгашда иттифоқчи социалистик давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида батафсил фикрлашув бўлди. Ташқи ишлар министрлари комитети билан мудофаа министрлари комитетининг Сиёсий маслаҳат комитети Берлин учрашувидан бўён ўтган давр мобайнидаги ишига ижобий баҳо берилди, уларнинг бундан буёнги вазифалари белгиланди.

Жорий ўзаро ахборот кўп томонлама группасининг ва қуролланиш масалалари билан шуғулланувчи махсус комиссиянинг фаолиятидан мамнуният изҳор этилди, уларнинг иш мазмуни ва шаклларини янада бойитиш зарурлиги таъкидланди.

Кенгаш қатнашчилари тенг ҳуқуқлилик, узвий ўзаро алоқа ва ўзаро масъулият асосидаги ташқи сиёсий ҳамкорликнинг изчиллигини ошириш, унинг механизмини янада такомиллаштириш, баҳамжиҳат ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш кераклигини айтдилар.

Сиёсий маслаҳат комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонининг қўмондонлик ўтказган иш тўғрисидаги докладини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

19. Кенгаш дўстлик ва ҳамкорлик вазиятида ўтди.

Кенгаш ўтказилган мамлакат бўлмиш Польша Халқ Республикаси унинг ҳужжатларини бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга тарқатишни таъминлайди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши Бухарестда ўтказилади. Руминия Социалистик Республикасининг вакили, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Константин Оанча навбатдаги муддатга Сиёсий маслаҳат комитетининг бош секретари этиб тайинланди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга доир музокаралар тўғрисида БАЁНОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қуролли кучлар даражаси камайтирилган минтақа (зона) масофаси геостратегик омиллар, қурол-яроғлар асосий турларининг тактик-техник характеристикалари ва бошқа мезонлар асосида келишиб олиниши мумкин бўлур эди.

Ана шу қадамлар билан бир вақтда бақамти туриш чизиғига яқинлашган сари тобора тегишли қаттиқроқ режимни кўзда тутиб, минтақа (зона)ларда ҳарбий фаолиятни чеклаб қўядиган ишончни мустаҳкамлашнинг ўзаро келишилган чора-тадбирларни амалга оширилган бўлур эди. Улар, жумладан, бир вақтда ўтказиладиган машқларнинг кўлами ва миқдорига, машқларнинг қанча давом эттирилиши ва вақти-вақти билан ўтказилишига, шунингдек катта машқларни ўтказишни тақиқлашга, қўшинларни бир жойдан иккинчи жойга ташлашни чеклашга тааллуқли бўлиши мумкин.

3. АХБОРОТНИ АЙИРБОШЛАШ ВА КОНТРОЛ

Иккала ҳарбий-сиёсий иттифоқ кучлари нисбатини аниқлаш ҳамда Умумевропа ва регионал кўламларда қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғлар соҳасидаги номутаносиблик ва номувофиқликни аниқлаш мақсадида музокараларнинг бошида, агар мумкин бўлса музокаралар бошлангунга қадар ҳам музокаралар олиб бориш учун зарур бўлган тегишли дастлабки маълумотларни ўзаро айирбошлаш мумкин. Бунда музокаралар бошланишидаёқ жойларда инспекция ўтказиш йўли билан ана шу маълумотларни текшириш имкониятини кўзда тутилган бўлур эди.

Музокараларда эришиладиган аҳдномаларнинг бажарилишини миллий техника воситаларидан ва халқаро тадбирлардан, шу жумладан рад этиш ҳуқуқисиз жойларда инспекция ўтказишдан фойдаланиб контрол қилишнинг самарали системасини барпо этишни кўзда тутиш мумкин бўлур эди. Қуролли кучлар даражаси камайтирилган минтақа (зона)лар бўйлаб ва унинг ичида, шунингдек қисқартириш районларида (темир йўл станциялари, узеллари, аэродромлар ва портларда) кириш-чиқишни контрол қилиш пунктлари тузилиши мумкин.

Қуролларни қисқартириш, йўқ қилиб ташлаш (қисмларга бўлиш) ва омборларга жойлаб қўйиш жараёнини, қўшилмалар ва қисмларни тарқатиб юборишни, шунингдек қисқартиришдан кейин қолган қўшинлар фаолиятини ва қуролли кучлар ва қурол-яроғлар сони ошиб кетмаслигини контрол қилиш мумкин бўлур эди.

Кенг ваколатлар (кузатиш, инспекция ўтказиш, мунозарали масалаларни кўриб чиқиш ва шу каби ҳуқуқлар) берилган халқаро контрол комиссияси тузилган бўлур эди.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар тактик ядро қуролларини, шу жумладан икки мақсадни кўзда тутувчи воситалар учун жанговар зарядларни анча қисқартириш, сўнгра эса уларни тугатиш Европада уруш хавфини камайтиришга ва янада барқарор вазиятни вужудга келтиришга олиб борадиган муҳим чора бўлиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Улар тегишли музокараларни яқин вақт ичида бошлаш ҳамда ўзаро мақбул битимлар тузиш мақсадида бундай музокараларни давом эттириш тўғрисидаги таклифларини тасдиқлайдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шунга асосланадиларки, Атлантикадан Уралгача қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш жараёни билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш доирасида Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқа мавжуд. Улар Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш тадбирларига бағишланган конференциянинг иккинчи босқичида ана шу конференциянинг биринчи босқичи давомида ҳал қилинмай қолган масалалар, энг аввало ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз кучлари фаолиятини ишонч чора-тадбирлари билан қамраб олишга тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқиш давом эттирилиши керак, шунингдек янги туркум ишонч чора-тадбирлари, шу жумладан чекловчи характердаги чора-тадбирлар келишиб олиниши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу чора-тадбирлар тўсатдан ҳужум қилиш хавфини камайтиришга, ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳарбий соҳадаги воқеалар ривожини олдиндан билишни кенгайтиришга кўмаклашган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципларига риоя қилинган ҳамда эришиладиган битимларнинг самарали контрол қилиниши таъминланган ҳолда қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг анча кам даражаси билан Европада барқарорликни мустаҳкамлашга олиб борадиган эҳтимол тутилган бошқа чора-тадбирлар ва таклифларни ҳам муҳокама қилишга тайёрдирлар.

Қуролланиш пойгасининг атроф-муҳит учун оқибатлари ва экология хавфсизлигининг бошқа жиҳатлари

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар атроф-муҳитнинг аҳволи муттасил ёмонлашиб бораётганлигини катта ташвиш билан таъкидлайдилар. Табиатдаги мувозанатнинг бузилиши шундай миқёсларга етмоқдаки, бу олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши, инсоният социал-иқтисодий ривожланишининг моддий базасига путур етказиши, инсоният ҳаётининг ўзини хавф остига қўйиши мумкин.

Қуролланиш пойгаси, аввало ядровий қуролланиш пойгаси атроф-муҳит ёмонлашувининг энг хавфли манбаларидан бири эканлигига чуқур ишонган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар экологик муаммоларни ҳал этиш тинчлик, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Оқибати муқаррар ялпи экология ҳалокатига олиб келадиган ядро урушининг олдини олиш атроф-муҳитни сақлаш учун курашнинг асосий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай қуролли можаролар атроф-муҳитга катта путур етказмоқда. Атроф-муҳитни қуролланиш пойгаси муттасил ва тобора кенг кўламда емирмоқда, у табиатни муҳофаза этишга сарфланаётган куч-ғайратларга зид бўлиб, Ер юзида жамият, техника ва табиатнинг уйғун мувозанатини вужудга келтиришдек олиижаноб вазифанинг ҳал этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Қурол-яроғнинг турли хилларини ишлаб чиқариш, йиғиб қўйиш ва ташиш, ҳарбий объектлар қуриш, ҳарбий машқлар ўтказиш атроф-муҳитга тўғридан-тўғри салбий таъсир қилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар тўплаб қўйилган ядро қуроли атроф-муҳит учун, Ер юзидаги ҳаётнинг ўзи учун нечоғлик хатарли эканлигига алоҳида диққат-эътиборни қаратмоқдалар. Қасддан ишлатиш оқибатидами, хатолик ёки авария натижасидами, тўпланган ядро қуролининг ер қуррасини вайронага айлантириш хавфи бор. Ядро синовларининг давом этаётганлиги, химиявий қуролнинг катта запаслари ва бундай қуролни ишлаб чиқариш тўхтамаётганлиги, янги принципларга асосланган қуроллар системасининг яратилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси олдиндан айтиб бўлмайдиган ва ҳалокатли экология оқибатларига олиб келиши мумкин. Қуролланиш пойгасининг космик фазога тарқалиши космик фазодан тинч мақсадларда оқилона фойдаланиш имкониятларини барбод этган бўлур эди. Қайтадан тикланмайдиган ресурсларни ҳарбий мақсадларда совуриш ер юзидаги табиат учун жуда қимматга тушмоқда. Атроф-муҳитга ҳарбий ёки бошқа адоватли мақсадларда таъсир ўтказишга уринишлар бу муҳитга жиддий зарар етказган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳалқаро муносабатларда сўнгги вақтларда сезилаётган ижобий тенденцияларни қутлаб, қуролланиш пойгасини жиловлаш, қуролсизланишнинг самарали тадбирлари ниҳоятда турли соҳаларда, жумладан атроф-муҳит сифатини асраш ва яхшилаш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти сифатида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар. Ана шу давлатларнинг қуролсизланиш, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида биргаликда ва якка тартибда илгари сурган ташаббуслари ана шунга хизмат қилган бўлур эди.

Қуролсизланиш соҳасида бошланган силжишдан атроф-муҳитни муҳофаза этиш юзасидан куч-ғайратларни активлаштириш учун фойдаланиш зарур. Қуролсизланиш соҳасидаги ҳаракатлар табиатни муҳофаза этишга доир конкрет чоралар билан биргаликда қўшиб олиб борилиши лозим. Қуролсизланиш регионлар ва жаҳоншумул кўламларда экология вазиятини яхшилаш учун жуда катта молиявий, табиий ва инсон ресурсларини бўшатиб берган бўлур эди.

Инсоннинг тинч фаолияти натижасида атроф-муҳитнинг аҳволи ёмонлашиб бораётганлиги катта таҳлика туғдирмоқда. Экология омилларини ҳисобга олмай амалга оширилаётган хўжалик фаолияти Жаҳон океани ва атмосферанинг ифлосланишига, ифлос моддаларнинг чегаралардан ўтишига, тупроқ унумдорлигининг йўқолишига, саҳронинг босиб келишига, ўрмонларнинг камайиб кетишига, иқлимнинг ўзгаришига, бутун-бутун биологик турларнинг йўқ бўлиб кетишига, биосферада зарарли моддаларнинг тўпланишига ҳамда табиатдаги бошқа кўпгина салбий ҳодисаларга олиб келмоқдаки, бу инсон яшайдиган муҳитни емирмоқда.

Ядро ҳалокати хавфи сақланиб қолаётганлиги, тезтез экологик офатлар содир бўлаётганлиги, табиатдаги мувозанатнинг бузилганлиги жаҳондаги барча давлатлар тобора кўп даражада бир-бири билан экологик жиҳатдан боғлиқлигини тасдиқламоқда. Ҳаётнинг ўзи атроф-муҳит муаммоларини биргаликда самарали ҳал этиш манфаатларини кўзлаб жаҳон ҳамжамияти куч-ғайратларининг бирлаштирилишини қатъиян талаб этмоқда.

Ниҳоятда кенг кўламда ва очиқ халқаро ҳамкорлик негизида халқаро экология хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш юз берган аҳволдан чиқишнинг йўлидир. Барча давлатларнинг барқарор ва хавфсиз тараққиётига ва ҳар бир халқ ва ҳар бир инсоннинг ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратилишига ёрдам бериши лозим бўлган халқаро экологик хавфсизлик халқаро муносабатларнинг шундай ҳолатини тақозо этадики, бунда атроф-муҳитни асраш, ундан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш ва унинг сифатини ошириш таъминланади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шу мақсадда атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида жаҳон ҳамжамияти эришган барча ижобий нарсалардан ижодий фойдаланиш ва бу ижобий жиҳатларни кўпайтириб боравериш тарафдоридирлар. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятини ва, айниқса, унинг махсус органи бўлган БМТнинг атроф-муҳит программасини, шунингдек атроф-муҳит ва тараққиёт халқаро комиссияси бажарган ишни юксак қадрлайдилар, ушбу комиссия экология муаммоларини алоҳида эмас, балки уруш ва тинчлик муаммолари билан, қуролсизланиш ва тараққиёт, қолоқлик ва қашшоқликка барҳам бериш, Ер юзида муносиб, соғлом ва хавфсиз ҳаётни таъминлаш муаммолари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни таклиф этди.

Халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш давлатлар бажариши шарт бўлган принциплар ва ахлоқ-одоб нормаларининг қабул қилинишини, шунингдек экология соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб олинишини талаб этади. Бу принциплар, нормалар ва йўналишларни биргаликда, кенг кўламдаги ва амалий халқаро мулоқот асосида ишлаб чиқиш лозим. Тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжат 1992 йилда, яъни БМТнинг атроф-муҳитга бағишланган конференциясининг 20 йиллиги нишонланиши муносабати билан қабул қилиниши мумкин бўлур эди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ана шундай ҳужжат лойиҳаси устидаги ишни кечиктирмай бошлашга тайёрдирлар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар табиий муҳитга путур етказаётган фаолиятнинг оқибатларини ўзлари, айниқса, ўткир ҳис этаётган Европа давлатлари сифатида экологик ҳамкорликда қитъага намуна бўлиш имкониятини берадиган шошилинч чора-тадбирлар кўрилишини ҳаётий муҳим, деб ҳисоблайдилар. Экология тартиби, одамлар саломатлиги, соф ҳаво ва тоза сув тўғрисида ғамхўрлик Европадаги барча мамлакатларнинг муштарак иши бўлиб, Умумевропа жараёнида ўзига яраша ўрин олган бўлур эди. Бир бутун Европа тинчлиги ва ҳамкорлиги, «умумевропа хонадони» ғоясига жуда кўп даражада мос келган бўлур эди. Шу жиҳатдан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада ва унинг айрим регионларида атроф-муҳитни муҳофаза этишни таъминлаш мақсадида илгари сурилаётган таклифларни ниҳоятда долзарб таклифлар, деб ҳисоблайдилар. Бу давлатлар экология масалалари хусусида ниҳоятда кенг кўламда ахборотни баҳам кўриш, табиий муҳитни асрашни таъминлайдиган илғор технологияларни бирбирларига ҳеч қандай чеклашларсиз тақдим этиш, давлатларнинг табиатни муҳофаза этиш фаолияти ва шу давлатлар территориясида содир бўлган ёки олди олинган экология ҳодисалари тўғрисида давлатларнинг қатъий ҳисоб бериб туриш тартиби ўрнатилиши тарафдоридирлар. Экология соҳасидаги ҳамкорликни янада жадал кенгайтириш ва чуқурлаштириш манфаатлари йўлида атроф-муҳитнинг муҳофаза этилиши учун жавобгар бўлган министрларнинг Умумевропа кенгашини чақириш ва ушбу кенгашда биргаликдаги ҳаракат программасини ишлаб чиқиш таклиф этилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар табиий муҳитни муҳофаза этиш, уни урушлар ва қуролланиш пойгасининг оқибатларидан сақлаш учун кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга фаол ёрдам бериш ниятида эканликларини изҳор этадилар. Улар жаҳондаги барча давлатлар ва халқларга мурожаат қилиб, табиий муҳитни асраш ва соғломлаштириш мақсадида, бизнинг бугунги кунимиз ва келажагимизни таъминлаш манфаатлари йўлида кучғайратларни бирлаштиришга қатъий даъват этадилар. Ихтиёрида жуда катта бундёдкорлик ва ижодий потенциал бўлган инсоният атроф-муҳит ёмонлашуви жараёнини тўхтатишга қодирдир. Ҳаёт манбаи ва уни асровчи табиатни муҳофаза этиш ишида кўп томонлама ва икки томонлама асосда халқаро ҳамкорлик — барча давлатларнинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчидир.



ҚИШЛОҚНИНГ БИР КУНИ

Бугунги кунда хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаш пудратчилардан, оилавий звенолардан тежамкорликни тақоза этмоқда. Бу ўринда транспортнинг бироз унутилган тури — от аравадан фойдаланиш қулай ва тежамлидир. Ленинобод район ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган аравалар трактордан кўра 25-30 баробар арзондир.

Суратда: «Олтинкўл» совхозининг чорвачиликдаги оилавий звеноси аъзолари от аравага озуқа ортмоқдалар.

А. Наймушин фотоси (ЎзТАГ).

• *Биз—интернационалистларимиз*

МЕРОС

ЛАВҲА

Назира яшил либосга бурканган кенг даланинг қоқ белидан кесиб ўтган йўлдан борар экан, атрофга мафтункор боқди. Ҳув нарироқда азим тол тагидан оқаётган ариқ ёнида у ишлаётган бригада шийпони бор.

Бу йил улар 54 гектарли майдонга чигит экиб, уни ўз намига ундириб олишди. Ўнг тарафда эса 40 гектар ерда маккажўхоризор жойлашган. Йўлнинг нариги тарафида 27 гектар майдонга каноп экилган. Далаларда баравж ривожланаётган экинлардан гўё қайноқ меҳнат нафаси сезилиб тургандек...

— «Бу йил ҳам ҳосилимиз чакки бўлмайди», — деди у биров билан суҳбатлашаётгандек. Ҳар ҳолда кўклам ёмон келмади. Бултур эса...

Чигит эндигина униб чиққан пайтда кўк тумбазни қора булут қоплади. Сурункасига ёғиб ўтган ёмғир ҳаммани гангитиб қўйди. Қарийб 8—9 гектар пахта майдонидаги чигитни қайтадан экиш ҳазилакам ишми? Вақт тиғиз, май ойининг биринчи ярми ўтиб борарди. Бунинг устига совхоз бўйича меҳнатни ташкил этишнинг янги усули — бригада пудратига ўтишган. Ҳар бир сўм, ҳар бир тийин ҳисобда.

Назира бригада йиғилишида таклиф киритди.

— Биз 28 кишимиз. Ҳар бир эгатга уч кишидан бўлиниб, чигитни аниқ уялаб, қўлда экайлик. Керак бўлса кечаси ҳам ишлаймиз. Бу таклиф бир овоздан маъқулланди. Бригада бошлиғи Малик Байрамов эса «барака топ» дегандек унинг елкасига оҳиста қоқиб қўйди.

Меҳнатлари зое кетмади. Хўжаликда биринчилар қаторида белгиланган план ва тошшириқларни ортиғи билан бажаришди. У ишлаётган «Коммунизм» совхози ҳам барча соҳалар бўйича йиллик мажбуриятни уддалади.

Бултур коммунизмликлар 1 минг 364 гектар ерга чигит қадаб, гектаридан 28,9 центнердан ҳосил кўтаришди. Жами етиштирилган «оқ олтин» хирмони — 3 минг 941 тоннани ташкил этди.

Энг қувончлиси, хўжалик кейинги уч йил ичида қолоқликдан чиқиб, илғорлар сафидан жой олди. Рентабеллик 22,2 процентдан 30,8 процентга кўтарилди. Бир центнер пахта таннархи 41 сўму 20 тийинни ташкил этди. Тўла хўжалик ҳисобининг афзаллиги айниқса, йил якунида маълум бўлди. Совхоз 1 миллион 317 минг сўм даромад кўрди. Шундан совхоз ишчиларига 1 миллион сўмлик мукофот пули тарқатилди. Бу муваффақиятларда Назира Мурсалова ишлаётган 3-бўлим 6-бригадаси аъзоларининг ҳам улуши бор, албатта.

— Хўжаликда илғор комсомол ёшларимиз кўпу, леган, ўрта бўй, қотмадан келган турк қизининг меҳнатда тобланган кичик жуссасига қарайсиз. Унинг ҳар бир ҳаракатидан серғайратлилиги, тиниб-тинчимаслиги шундоққина сезилиб турибди.

Саволларимизга қисқа, лўнда жавоб берди.

— Демак, андижонлик экансиз-да!

— Тўғрироғи, ўзбек элининг турк қизиман, — деди Назира самимият билан.

Дарахт меваси, инсон меҳнати билан гўзал дейишади. У эса пахтакорлик касб-корини ҳалол ва фидокорона меҳнати билан ардоқлаётганлардан. Бобо мерос касб уни эл-юртга танитди. Мана, 11 йилдирки, у шу хўжаликдаги илғор ишчилардан.

Область Советига депутат этиб сайланиши унинг ҳаётини бир қадар ўзгартириб юборди. Сайловчиларнинг асосий накази — Восток участкасида қурилиши керак бўлган мактаб биносини тезлаштириш ва назорат қилишдан иборат эди. Назира елиб-югурди. Меҳнатлари зое кетмади. Тез орада 120 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қад кўтарди.

Дала шийпони пахтакорларнинг иккинчи уйи. Шундай бўлгандан кейин уларнинг мана шу Ғалаба районига 1962 йили кўчиб келганимизда эндигина икки ёшга тўлган эканман...

— Демак, андижонлик экансиз-да!

— Тўғрироғи, ўзбек элининг турк қизиман, — деди Назира самимият билан.

Саволларимизга қисқа, лўнда жавоб берди.

Албатта, планлар ортиғи билан бажарилди. Ишчиларнинг турмуш шароити яхшиланиб бораётир. Аммо хўжаликда сув билан ҳаводек зарур бўлган клуб, ҳаммом, магазин йўқ.

— Тасаввур қилинг-а, — дейди Назира гапида давом этиб. — Район маркази бу ердан 14 километр олисда, Бориб келиш анча-мунча вақт талаб қилади. Наҳотки, долзарб пайтларда далада меҳнат қилаётган кишиларнинг оғирини енгил қилиш қийин бўлса?! Кўчма автолавкаларда рўзғорбоп буюмларни аҳолига етказиб бериш ҳақида ким қайғуриши керак? Автобус қатновини ҳам йўлга қўйиш пайти келди...

У чуқур ўйга толди. Балки шу тобда жонкуяр қиз келажак режаларини амалга ошириш ҳақида мулоҳаза юритаётгандир. Балки муаммолар ечимида совхоз, район раҳбарларининг кўмагига умид қилаётгандир. Ахир, кўпмиллатли Ватанимизда яшовчи кишилар миллати билангина эмас, меҳнати билан азиз-ку! Буни Назира яхши билади.

М. ХУДОИБЕРДИЕВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Тўла хўжалик ҳисоби—экономикамиз истиқболи*

ОЛИНГАН ФОЙДА САЛМОҚЛИ, ЛЕКИН...

ЛЕНИНСК 6-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА ИШЛАШГА ЎТИБ, ҒОЛИБЛИК САРИ ИНТИЛМОҚДА.

Хулоса шуки, хўжалик ҳисобига ўтгандан кейин завод коллективининг онги ўсди, масъулияти ошди, меҳнатга муносабати ўзгарди. Ҳар бир ишчи ҳисоб-китобни ўрганди. Улар буюртмалар вақтида бажарилмаса, шартнома талаби бузилса жарима тўлашларини жуда яхши биладилар. Бу жаримани илгаригидек давлат ҳисобидан эмас, ўзларининг маошларидан тўлашларини ҳам тушунадилар.

Хўжалик ҳисобининг афзалликларини корхона коллективи эришган ютуқларда яққол кўриш мумкин. Заводда «ЗИЛ» автомобилларини ва уларнинг двигателларини капитал ремонт қилинади. Ўтган йили заводда маҳсулот ишлаб чиқариш 6 процент ўсди. Маҳсулот реализация қилиш планини ошириб адо этилди. Меҳнат унумдорлиги олдингги йилга нисбатан 2,2 процент ортди. Бир йилда завод бўйича 152 минг сўм ўрнига 267,5 минг сўм мукофот пули тақсимланди. Олинган соф фойда 1 миллион 145 минг сўмни ташкил этди. Бу, планда кўзда тутилганидан 92 минг сўм кўп.

Коллектив 1987 йил давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Корхона 1988 йилда ҳам имкониятлар даражасида ишлаб, икки квартал планини ошириб бажарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш планини ошириб адо этилди. Маҳсулот тайёрлаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 процент ўсди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 процент кўп маҳсулот реализация қилинди, дегани. Фойда олиш плани 110 процент адо этилди. Пландан ташқари 35 минг сўм соф фойда олинди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 102,4 процент бажарилди. Буюртмачиларга шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планини 100 процент бажарилди. 400 та ўрнига 420 та машина капитал ремонт қилинди.

Завод коллективи фақат ремонт ишлари билан шуғулланмайди. Бу ерда ярим прицеплар, халқ истеъмоли товарлари, темир-ёғоч сўрилар, қийқимлардан хўжалик сумкалари, чиқитлардан ошиқ-мошиқлар, печка духовкалари ҳам ишлаб чиқарилади.

Бу ердаги ишчиларнинг социал-маиший шароити ҳам яхшиланди. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари ишчилар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётирлар. Эркаклар, аёллар учун алоҳида душхоналар, дам олиш хоналари мавжуд. 4 та дам олиш хонасининг ҳаммасида телевизор, юмшоқ креслолар, диванлар, стол-стуллар, газета-журналлар бор. Ишчилар бўш вақтларида биллиард ўйнаш имкониятига ҳам эга. Ишлаб чиқариш участкаларида газли сув тайёрлайдиган аппаратлар ўрнатилган.

Корхона ҳовлисидаги кўркам боғдан спорт-соғломлаштириш комплексига ўтилади. У ерда фин ҳаммоми, қишки ҳавза, гимнастика зали бор.

Ишчилар фермасида 82 бош қорамол боқиляпти. Шундан 15 боши соғин сигирлар. Ёрдамчи хўжалик ҳар куни ошхонага 20 килограмм янги гўшт, 105 литр сут беради. Ҳар бир ишчи 80 тийин сарфлаб, биринчи, иккинчи ва учинчи таомлар ейиши мумкин.

Корхона ҳовлисида 20 сотих теплица бор. Қишин-ёзин бодринг, помидор, лимон пишиб туради. Бир йилда 10 тонна бодринг ва помидор, 500 килограмм лимон етиштирилади. Улар арзон нархда ишчиларга сотилади. Ёрдамчи хўжалик ҳам, теплица ҳам ўзини-ўзи қоплайди...

Лекин ислоҳот талабларини тўла адо этишда муайян тўсиқларга дуч келиняпти. Заводда 20—30 йил илгари ўрнатилган дастгоҳлар кўп. Шунинг учун Ўзбекистон ССР Госплани ва республика Автомобиль транспорти министрлиги ўтган йили корхонани реконструкция қилиш учун 750 минг сўм пул ажратган эди. Лекин берилган дастгоҳлар заводдаги мавжуд дастгоҳлардан ҳам эски бўлиб чиқди. Шунинг учун завод уларни олмай қўйди. Оқибатда ўтган йили корхонадаги ускуналарни янгилаш учун ажратилган 530 минг сўм пул ўзлаштирилмай қолди. **Министрлик ана шуни баҳона қилиб 1987 йилнинг учинчи кварталида корхона коллективини мукофотдан ноўрин маҳрум қилди.**

— Бу йил эса реконструкцияга ажратилган пул ҳам, эски дастгоҳлар ҳам йўқ бўлиб турибди, — деди завод директори Ш. Аҳмаджонов. — «Узавторемонт» республика саноат бирлашмаси Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига, министрлик эса Госпланга тўнкаяпти. Натижада бу муаммо ҳал бўлмаётир. Яна шуниси ачинарлики, ўтган йили олинган фойда пулимиздан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун атиги 9 минг сўм ажратишди. Бу, бор-йўғи битта дастгоҳ сотиб олишга етади, холос.

Хўжалик ҳисобини тўла жорий этиш йўлида бошқа тўсиқлар ҳам бор. «Узавторемонт» республика саноат бирлашмасининг 1987 йил март ойида Ленинск авторемонт заводига юборган буйруғида 1987 йил январь ойидан барча автотранспорт корхоналари хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилиши, лекин беш йиллик давомида нормативларни ўзгартирилмаслиги айтилган эди. **Эски нормативлар билан хўжалик ҳисобини жорий қилиб бўлмайди-ку?** Ёки бирлашма раҳбарлари хўжалик ҳисобига ўтишнинг янги йўлини топишдимикин?

Орадан ойлар ўтгач, яъни 26 сентябрда завод республика Автомобиль транспорти министрлигидан бошқа бўйруқ олди. Унда бошқа корхоналар қатори Ленинск авторемонт заводи ҳам хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилганлиги айтилади. 19 ноябрда республика саноат бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Д. Садаев имзоси билан келган хатда корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун янги норматив ишлаб чиқиш топширилди. Корхона маъмурияти ва ҳисобчилари айтилган нормативни тайёрлаб, бирлашмага жўнатдилар.

Шунда жумладан, корхона балансидаги фойда 1988 йилда 1 миллион 151 минг сўм қилиб белгиланди. Корхонада ўз эҳтиёжи учун қолдириладиган фойда 517 минг сўм ёки 45 процент деб ҳисобланди. Лекин бирлашмадан корхонага юборилган нормативнинг эски ҳолича қолдирилган. Бу — 123 минг сўмни ташкил этади, холос. Ваҳоланки, корхона ҳар йили ўртача 1 миллион 400 минг сўм фойда олмоқда. Юқорида **хўжалик ҳисобидан олинган фойданинг 74 процентини маҳаллий бюджетга ўтказиш планлаштирилган. Бу, адолатсизликдан бошқа нарса эмас.**

Бу йил завод коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан 25 процент кўпайтириш, 7 миллион 300 минг сўмлик иш бажариш юзасидан мажбурият олди. Бу, ўтган йилдагидан 1 миллион 460 минг сўмлик кўп. Мажбуриятни бажариш учун буюртмачилар билан шартнома тузиб қўйилди. Бу юксак мажбурият ички имкониятлардан тўла фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 6 процент ошириш, иккинчи сменада ускуналарнинг коэффициентини 1,5 га етказиш ҳисобига бажарилади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ЗАФАР САТРЛАРИ

✦Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози ғаллакорлари меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 510 тонна ўрнига қарийб 600 тонна сара дон сотилди.

Бу ютуқда хўжаликнинг Кўчим Рўзиев бошлиқ бригадаси аъзоларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Б. ЭЛМУРОДОВ.

✦ Китоб райони чорвадорлари давлатга қорақўл тери топшириш йиллик планини муддатидан олдин ошириб бажаришди. Қабул пунктларига 2007 дона қорақўл тери етказиб берилди.

Қўлга киритилган муваффақиятда Охунбобоев номли, Навоий номли, «Зарафшон», «Шарқ юлдузи» совхозлари чорвадорларининг муносиб улуши бор.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

● Советобод райони ғаллакорлари қабул пунктларига пландаги 14 минг 40 тонна ўрнига 18 минг 10 тонна дон етказиб бериб, йиллик топшириқни бажаришди. Бу ютуққа райондаги «Каттақўрғон», «Улус», «Жом» ва «Москва» совхозлари ғаллакорлари муносиб улуш қўшдилар. Район далаларида ҳали ғалла кўп. Ўрим-йиғим давом этмоқда. Кунига 400 тоннадан ошиқ ғалла тайёрланаётир.

А. САТТОРОВ.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Вобкент районидаги Калинин номли колхоз коллективи пахтадан мунтазам равишда мўл ҳосил етиштириб келади. Хўжаликда ўз ишининг моҳир усталари, миришкор пахтакорлар кўп. Айниқса, Омон Раҳимов, Карим Зарипов, Темир Саидов бошлиқ бригадалар коллективлари шу кунларда ғўза парваришини сифатли ўтказиб, бўлғуси мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратишмоқда.

Бу йил хўжалик заршуносларининг 1089 гектар майдонга чигит қадаб, ҳар гектар майдондан 34 центнердан, жами 3640 тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашаётирлар. Дуркун ривожланаётган ғўзаларнинг кун сайин яшнаб, гул ва кўсакларга бурканаётганлиги юксак марра албатта эгалланишидан далолатдир.

ҚИЙҒОС ГУЛЛАР

Иштихон районидаги Навоий номли колхозининг Қўқон Хўжаёров бошлиқ бригадаси даласида ғўзалар бир текис гуллади. Бу йил 154 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган бригада аршуносларининг шу кунларда ғўзаларни саратон сувига қондиришга алоҳида эътибор беряптилар. Обиҳаёт ниҳолларга шарбат усулида тараляпти.

Азим Жумаев, Яхшибой Қаршиев бошлиқ бригадаларда ҳам ғўзалар қийғос гуллади. Яқинда хўжалик далаларида бўлган оқдарёлик ва каттақўрғонлик мусобақадошлар бу ерда амалга оширилаётган ишлардан хурсанд бўлишди.

У. САИДОВ.

Дунё воқеалари

Хабарлар оқимидан

●НЬЮ-ЙОРК. АҚШ Мудофаа министрлиги президент Рейганга «самовий урушлар» программаси доирасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан тавсиянома тақдим қилиш ниятидадир. Пентагонга яқин турган «Авиэйшн уик энд спейс техноложи» журналининг хабар қилишича, бу тавсиянома Вашингтоннинг ҳозирги маъмурияти ваколат муддати даврида тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилаб бериши керак.

Журнал Пентагон СМТ биринчи босқичи — «чекланган стратегик мудофаа системаси» деб аталган системани яратишни жадаллаштиришни режалаштираётганлигини ҳам таъкидлади. Бу система Вашингтонни, шунингдек пойтахт райони ёки бошқа районни мудофаа қилиш учун ерга ўрнатиладиган, душман ракеталарининг йўлини тўсадиган ракеталарни жойлаштиришни кўзда тутади. Амалда бу АҚШнинг ракетадан мудофаа системаси тўғрисидаги шартномадан чиқишини билдиради. Маъмурият-нинг таъкидлашича, бундай системанинг яратилиши битимнинг «тор доирадаги талқини»га зид келмас эмиш.

● ТОКИО. Осиёдаги бир қанча мамлакатлар бўйлаб сафар қилаётган АҚШ давлат секретари Жорж Шульц 16 июлда Хитойдан Жанубий Кореяга келди. У Жанубий Кореяда уч кун туради. Токиодаги дипломатия доираларининг фикрича, АҚШ мудофаа министри Фрэнк Калуччининг ўтган ойдаги ташрифидан сўнг амалга оширилаётган бу визит, жумладан, Жанубий Кореянинг ҳозирги маъмуриятини Вашингтон қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилиш мақсадини кўзда тутади.

Киодо Цусин агентлиги музокараларда Жанубий Кореянинг КХДР билан, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларига асосий эътибор берилади, деб ҳисобламоқда. Ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш, Жанубий Кореядаги ички сиёсий вазият, шунингдек Вашингтон билан Сеул ўртасида кескинлашиб борётган савдо-иқтисодий зиддиятлар билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинади.

● МЕХИКО. Сальвадор пойтахти кўчаларида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида автомобиллар кўринмай қолди, транспорт етишмаслиги сабабли кўпгина мактаблар ва олий ўқув юртларида машғулотлар тўхтатиб қўйилди. Сальвадор ватанпарварларининг «Вансеремос» радиостанцияси бу ерда шошилинч тарқатган бюллетенда ана шундай дейилади. Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти партизанлари ўз ҳаракатлари билан Сальвадорнинг барча йўлларида транспорт қатновини тўхтатиб қўйдилар. Бюллетенда армиянинг забастовка ҳаракатини бостиришга доир уринишларига қарши кўзғолончилар норозилик белгиси сифатида ана шу чорани кўрганликлари таъкидланади. Фронт жангчилари мамлакатда электр линияларини ишдан чиқариб, энергия билан таъминлашга путур етказишни давом эттирмоқдалар.

●ПАРИЖ. Наркотик билан савдо қилишга қарши кураш марказий бошқармаси яқинда яширин тўдалар фаолиятининг очинарли якунини чиқарди. Ўтган йили наркотик моддаларни истеъмол қилишдан 230 ёш француз нобуд бўлди. Етти минг гиёҳванд турли ҳуқуқбузарлик учун қамоққа олинди. Шу билан бир вақтда «оқ ажални» тарқатаётган жиноятчи синдикатлар 1987 йилда камида 200 миллиард франк фойда олдилар. «Юманите» газетаси гиёҳвандлик ҳамон ҳозирги Франциянинг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб қолаётганлигини, уни келтириб чиқараётган социал-иқтисодий сабабларни тугатиш йўли билангина бу муаммони ҳал қилиш мумкинлигини таъкидлади. (ТАСС).

• *Мамлакатлар ва одамлар*

Бин садосида рақсга тушаётганлар

Ҳиндистонда илонларга муносабат алоҳида. Тўғри, буни фақат у ерда бироз яшагач ҳис этасан... Тағин у ерда ҳар қадамда илонга дуч келиш мумкин экан, деб ўйламанг. Лекин илон рамзини эсдаликлар сотиладиган дўкончадан тортиб салмоқли ижтимоий-сиёсий журналда ҳам доим кўриш мумкин.

Фақат Ҳиндистондагина болаликдан бизга таниш ва машҳур манзарани: салла ўраган илон авровчи, най ва саватдан бошини чиқариб турган кобрани кўриш мумкин. Айтишларига кўра, дастлабки илон авровчилар Хариана штатидаги Тилпат ва Лилвари қишлоқларидан чиққан экан.

Ҳозир ана шу ноёб жанрнинг озчиликдан иборат мутахассислари Ҳиндистонда ўз ижодий уюшмасига эга. Бу уюшма анъаналар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, ўз аъзолари учун муайян иш ҳақини гарантиялайди. Уюшмага қайси каста ёки жамоага қарашлигидан қатъи назар аъзо бўлиш мумкин. Бу ерда шогирдлар ҳақида жон куйдиришади. Болалар саккизўн ёшдан бошлаб илонлар билан ишлашга ўргатилади. Аввалига улар бинда ўйнашни ўрганишади. Бин — бу оқ қовоқ, бамбук ва металл найчалардан ясалган оддий музика асбоблари.

Илон авровчининг бутун ҳунари гўёки бин овози илонни сеҳрлайди ва у рақсга тушади, деган афсонага қурилган. Аслида эса номер чоғида янграйдиган музика, энг аввало томошабинни сеҳрлашга хизмат қилади. Илон эса музика жўрлигидан қатъи назар ўз «ишини» бажаради.

— Ахир илонларнинг қулоғи йўқ, — дейди Лилвари қишлоғидан бўлган Бангали Натх. — Улар ёмон эшитади. Тутилган илоннинг заҳарли тиши олиб ташланади, унинг ўрни эса куйдирилади. Албатта, бу шафқатсиз операция. Илон ўзининг табиий чаққонлигини йўқотади, бўшанг бўлиб қолади. Агар шундай илон эркинликка чиқариб юборилса, у нобуд бўлади... Ўргатиш пайтида илоннинг бутун диққат-эътибори биннинг учига қаратилишига эришиш керак. Буни унинг думмани дейиш мумкин. Номер кобранинг вишиллаб думмани қўрқитиш ва табранб туриб унга зарба беришдан иборат табиий хусусиятига қурилади. Масалан, сиз ўз камерангизни тебратишингиз билан у ҳам тебрана бошлайди...

Бангали Натх — тажрибали илон авровчилардан. У бизнинг объективларимизга кўз қирини ташлаб, қўшимча қилди.

— Ҳар бир фотосуратни билан унинг «жошиси» (илоннинг ҳаётий кучи) камаяди. Улар жуда чарчашади...

— Кобра ёки бошқа илон бир кун ичида саҳнага неча маротаба чиқади?

— Ўн мартагача. Лекин улар жуда ҳолдан толади. Охирида уни қимирлата олмайсан.

— Сизнинг «артистларингиз» тутқунликда нимани ейишади?

— Тухум, сут. Ҳар учинчи куни — гўшт. Каламуш овловчи илонларга эса вақти-вақти билан сичқонлар бериб туриш керак. Ҳар олти ойда илонлар пўст ташлайди. Уларнинг чўмилиб туриши учун тоза сув ҳам керак.

Илон авровчилар томошалар учун одам кўп бўладиган жойларни танлашади. Уларни одатда туристлар маршрути ўтадиган тарихий ёдгорликлар ёнида ёки бозорда, савдо расталари ўртасида учратиш мумкин. Кўча артистларининг ўз сирлари ҳам бор. Масалан, улар кўпинча кобралар билан эмас, балки қум бўғма илони билан томоша кўрсатишади. Ана шу заҳарсиз илоннинг бир устун томони бор. Табиат бўғма илонни шундай яратганки, унинг думидаги ранглар бошидаги барча доғларни такрорлаган. Шунинг учун ҳам ўргатувчилар унинг «думидан ҳам, ёлидан ҳам» фойдаланишади; ярим йил думи, ярим йил боши «рақсга тушади». Лекин бўғма илоннинг ранги сўниқ, у имиллайди.

Кўпинча номерда каламуш овловчи ёки кичик, лекин чаққон дарахт илони қатнашади. Лекин номернинг бошқа қатнашчиси албатта кобрадир. У савват узра пайдо бўлиши биланоқ кескинлик ва қаҳр-газабни намойиш этади. Томошабин бевосита хавфни ҳис қилади.

Тажрибали илон авровчи труппаси фақат илонлардан иборат эмас, унда чаёнлар ва мангусталар ҳам бор. Мангустанинг илонни овлаш томошасига ишқибозлар кўп. Мангуста дарҳақиқат, мадорсизланган илонни тутади, у эса қаршилик кўрсатади, улар қурашади. Мангуста устунликка эришгач, ўз қурбонини чинакамига ўласи қила бошлайди. Ўргатувчи аралашмайди. Балки томошабинлар бу олишувни охирига қадар кўришар. Шундай бўлса, улар бўғилган илон учун бироз ошиқроқ ҳақ тўлашади. Одатда томошабинлар томоша охирини кўришни исташмайди, улар тезгина ҳамённи олишади, рақиблар ажратиб қўйилади.

Ҳиндистон матбуотида ана шу қадимий санъат турининг тушкунлиги ҳақида тобора кўпроқ ёзилмоқда. Чунки, илонларни тутиб, уларни сумкалар, камарлар, туфли ишлаб чиқараётган кўнчилик саноатига сотиш фойдали бўлиб қолган. Илон авровчиларга шаҳарликларнинг аввалгидек қизиқиши йўқ, дейишмоқда. Шунга қарамай, ўз ишининг устаси учун томошабинлар доим топилади.

А. ПОЗИН.
АПН мухбири.

ДЕҲЛИ.

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ФАКТЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозда истиқомат қилувчи С. Қурбонова, Қ. Унарова, Р. Норқўзиева ва Р. Раззоқовалар ишдан ноҳақ бўшатилганлари ва аттестация нотўғри ўтказилганлиги хусусида хат йўллашган эди.

ОКТЯБРЬ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган жавобда таъкидланишича, ариза кўриб чиқилган ва ундаги фактлар тасдиқланган.

Октябрь район «Агрокомстройремонт» бошқармаси ходимлари билан ўтказилган аттестация нотўғри, деб топилди. Текшириш якунлари касаба союз комитетида ва маъмуриятда кўриб чиқилди.

Ҳозирги вақтда С. Қурбонова, Қ. Унарова, Р. Норқўзиева, Р. Раззоқовалар аввалги ишларига тикландилар ва уларга уч ойлик ҳақлари тўланди.

Аттестацияни ўтказишда совуққонликка йўл қўйганлари учун аттестация комиссияси аъзолари А. Қосимов, С. Мирзанов, Б. Бобоев, Х. Фармонов, Э. Эломонов, С. Номозов, М. Сатторовга қаттиқ ҳайфсан берилди.

«Олтинга ҳирс қўйган газандалар» («Правда», 1988 йил 23 январь) мақоласига ҳали-ҳануз акс-садо материаллари келиб турибди. Унда СССР Прокуратураси тергов группасининг Ўзбекистондаги уюшган жиноятчиликка қарши кўп йиллик ва оғир кураши хусусида сўз борарди. Кўпгина хатларнинг муаллифлари: «Бизда мафия қандай қилиб юзага келиши мумкин бўлди, нима учун юқори мартабали жиноятчилар номма-ном айтилмаган?» — деб сўрамоқдалар. Шу аснода Ўзбекистондаги пора-хўрликка доир иш юзасидан айбланган уч киши «Правда» мухбирлари билан учрашиш истагини билдирганликларидан хабар топиб қолдик. Улар ҳар қандай саволларга жавоб беришга, шу жумладан, коррупциянинг ички тотомонларини очиб беришга тайёр эканликларини маълум қилишган эди.

Учрашув СССР Ички ишлар министрлигининг тергов изоляторида бўлиб ўтди. Бунчалик аниқлик шунинг учун зарурки, биз тергов қилинаётган одамлар билан суҳбат қилаётганлигимизни унутмаслигимиз керак. Ишончимиз комилки, бошқа вақтларда улар бўлакча гапиришарди. Бу кишиларни интервью беришга нима даъват этди? Бу ҳам суҳбат мобайнида аниқ бўлиб қолди...

КОЛОННА

СССР Ички ишлар министрлиги тергов изоляторидаги суҳбат

Ережеп АЙТМУРОТОВ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари. Камбағал деҳқон оиласидан. Ўқитувчиликдан иш бошлаган. Кейин комсомол, совет ишларида бўлган, узоқ вақт Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига раҳбарлик қилган.

— Партбилетдан маҳрум қилишдими? Маҳрум қилишди! Мансабдан олишдими? Олишди! Болаларимнинг таржиман ҳолига доғ туширишдими? Шундай! Шахсий пенсия, имтиёзлар бўлмайдими? Бўлмайди! Шундай бўлгач, нега яна жиноий жазо беришяпти? Ахир, менинг тажрибам бор. Мен қайта қуришга фойда келтиришим мумкин эди, энди бўлса?...

Абдуҳолиқ КАРИМОВ. Область партия комитетининг собиқ биринчи секретари, собиқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Бу ҳам камбағал деҳқон оиласидан. Ўқитувчи бўлиб ишлади. Армияда хизмат қилди. Сиёсий карьерани комсомолда бошлади.

— Эндиликда менинг мақсадим битта — соғлигимни яхшилаб, уни сақлаб қолсам бўлди. Қамоқхона девори ортида итдек ўлиб кетмасам, болаларим қўлида жон берсам, дейман...

Олимбой ПРИМОВ. Район партия комитетининг собиқ биринчи секретари. У ҳам камбағал оиладан. Ўқитувчи бўлиб иш бошлаган. Кейинчалик масъул хўжалик ишида бўлган.

— Мен ҳаммасини қайтариб бердим. Агар мумкин бўлса, буни тавба-тазарру деб билинг. Зеро, сўз-сўзу, ҳаракат-ҳаракат. Мен ҳаммасини қайтариб бердим. Бир нарса менга тинчлик бермайди. Менинг районимдан, деҳқонлар томонидан ёзилган хат ҳалигача хотирамдан чиқмайди... Биласизми, улар ўз мактубларини қандай адресга жўнатишганди? «Москва, Мавзолей, Ленинга... Қадрдон Владимир Ильич! Ўзинг биз ишонадиган якка-ю ягонасан...»

Мана шу уч суҳбатдошимиз сингари, уюшган жиноятчи раҳбарлар тўғрисидаги иш юзасидан ўтган кишиларнинг кўпчилиги оддий оилалардан чиққанлигини таъкидламоқчимиз. Бундай оилаларда ризқ-рўзни ҳамиша тер тўкиб, виждонан меҳнат билан топишарди, бундай хонадонларда алдамчилик ва ўғирлик учун лаънатлашлари, уйдан ҳайдаб чиқаришлари мумкин эди. Уларнинг ҳеч бири порахўр бўлиб туғилмаган. Маълумот олишгач, хизмат поғонасидан кўтарилгач, улар шундай бўлиб қолишди. Ахир, нима учун уларнинг тубанликка юз тутиши содир бўлди? Уларнинг ўзлари бу саволларга жавоб излашмоқда. Бу жавоб бизга ҳам рашидовчиликнинг юзага келишига ичдан назар ташлаш, уюшган жиноятчиликнинг ёйилиш жараёнларини назардан кечириб чиқишга ёрдам бериши мумкин...

Айтмуротов. Ҳамма оларди, ҳамма берарди. Етмишинчи йилларнинг охирларида деярлик очиқчасига олиб-беришарди.

Каримов. Ўшанда ҳали район партия комитетининг биринчи секретари эдим. Отпускага кетаётган эдим. Колхоз раисларидан бири кабинетимга кириб келди. Пул солинган конверт узатди. Рад этиб, қайтара бошладим. У қатъийлашди: хафа қилма, ахир таомил шундай. Тўғри, бундай «таомил»дан бохабар эдим. Бироқ ўшанда илк бор олишим эди.

Примов: Мени район «Сельхозтехника»сига бошқарувчи қилиб тайинлашди. Икки йил уриндим — ҳеч нима чиқмади. Ахир, техникасиз, эҳтиёт қисмларсиз, ҳатто михни ҳам қоқолмаганимдан кейин қандай натижа чиқиши мумкин?! Ҳамма нарсани яхши биладиган ўринбосарим: сен юқоридаги фалончи-пистончиларга узат, деди. Умримда биринчи маротаба пора бердим. Кейин ҳаммаси ўзгариб кетди. Вамисоли эртакдагидек дейсиз. Районимизга фондли хазиналар тўғридан-тўғри оқиб кела бошлади. Энди областда ҳам, Тошкентда ўтган коллегияларда ҳам қаттиқ гапиришмай, нуқул мақташарди.

Айтмуротов. Агар сиз бизни ҳажв қилмай, ҳақиқатан ҳам мен мансуб бўлган бюрократия қатламига қарши жамият бирор-бир чора ишлаб чиқишидан манфаатдор бўлсангиз, сидқидилдан гапираман. Рашидовчилик системаси сенинг «олмаслик»ка ҳуқуқсизлигингни билдирарди. Олмадингми, демак ярим сотқинсан. Бермадингми — юз фоиз сотқинсан. Ва амал курсисидан улоқтирилиб, бироз ўтгач, партиядан чиқариласан, ҳатто ҳаётингдан айрилишинг мумкин...

Каримов. Бу анча илгари бошланган. Хрушчевнинг гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқаришда Американи уч йилда қувиб ўтамиз, деган шиорини эслайсизми? Бизга айтганларича қилиш учун бир йилда икки йиллик планни бажариш керак бўларди. 1959 йили Рашидовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлашди. Айрича кўриниш учун, ўзини кўрсатиш учун у республикани бир йилда уч йиллик план топширишга мажбур қилди. Бу нореал эканлигини исботлашга уринганларни шафқатсиз жазолади. Ана ўшандаёқ ялпи қўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, турли хил қаллобликлар бошланиб кетди. Экономикадаги авантюризм жиноятчилик учун бир калит. Биз бунақанги авантюраларнинг қанчасини бошдан кечирмадик?!

Примов. Мен Тошкентда Брежнев қатнашган кенгашда бўлганман. Ўшанда Рашидов бир йилда беш миллион тоннадан ошириб пахта топширишга ваъда берди. Леонид Ильичнинг луқмасини ҳали ҳозиргина эшитгандек эслайман: «Олти миллионга, Шарафчик, яхлитлаб қўй қол!». Шунда Рашидов: «Хўп бўлади, Леонид Ильич!» — деб жавоб берди. Эртаси куни бутун республика бўйлаб шиорлар, чақириқлар янгради. Бу қандай оқибатлар келтиргани маълум: ерни ишдан чиқардик, миллиардлаб маблағни талон-торож қилдик, қўшиб ёзишларнинг даҳшатли системасини вужудга келтирдик, кўплаб минг кишиларни маънавий қадриятлардан маҳрум этдик.

Бироқ рашидовчиликни фақат «Балиқ бошидан сасийди» мақоли билангина тушунтиришга уриниш бизни боши берк кўчага киритиб қўяди. Бу ҳақиқатдан узоқ. Албатта, бош кўп нарсани белгилайди. Лекин жиноятчилик стратегиясини эмас. Уни улкан бюрократик ботқоқлик юзага келтирадики, бу ботқоқликда ўнлаб кераксиз министрликлар ва идоралар пуфакдек шишади. Минглаб нафси ўпқон амалдорлар пайдо бўлади. Улар талаб қилишаверади, талаб қилишаверади, талаб қилишаверади... Биттаси гайка етказиб бериш учун жавобгар, бошқаси — болт, учинчиси — втулка етказиб беради... Ҳаммасига бер, бер, бер. Областда ҳам бер, Тошкентда ҳам бер, Москвада ҳам бер...

Каримов. Ўзим ҳам мана шу фондли бисёрликни истовчилар, ҳам уни инъом этувчилар сафида эдим. Мени олиб ташлашса, бошқа шундай киши келарди.

Бугун улар бермаслик мумкин эмасди, пора олмаслик ҳам мумкин эмасди, ҳаммасида юқоридагилар айбдор, ўзларини бўлса ўзгалар иродасининг қурбонлари деб кўрсатмоқдалар. Албатта, улар бу ҳолат ўзлари учун енгиллаштирувчи аҳамиятга эга, буни бўлажак суд ҳисобга олиши лозим деб ҳисоблайдилар. Бироқ айни ўша пайтларда бошқа минглаб оддий коммунистлар кўзда тутган бошқа ҳолатлар — виждон, шараф, бурч, мардлик, ҳақиқатни деб қурбонлик беришга тайёрлик жасорати ҳам бор эди-ку. Ўзбекистондаги кўпгина раҳбарларда мана шу журъат етишмади. Буниси ҳам эмас, уларнинг ўзлари жамғариш, бойлик орттириш, тамагирлик қопқонига тушиб қолган эдилар. Улардан беҳисоб қимматбаҳо буюмлар — тилла тангалар, тақинчоқлар, пуллар тортиб олинди.

Яна уларга савол берамиз: Нимага, нима учун?

Айтмуротов. Узоқ йиллар ёш кадрларни қандай тарбиялашганлигини, нимага ўргатишганини эсда тутиш керак: юқоридан билдирилган фикр учун овоз берсанг, мансаб дарвозалари очиқ, акс ҳолда тупроққа қоришасан. Бизда яна бошқа одат: катталарни ҳурмат қил, уларга қарши борма деган панд-насиҳатлар ҳам бор. Мана шунинг учун республикада диний урф-одатларнинг ёйилишига бармоқ орасидан қарашарди. Ҳатто, шунга даъват ҳам этишарди. Қулларни тарбиялашаётганди...

Каримов. Етмишинчи йилларнинг бошларида оқимга қарши сузишга уринувчилар ҳам бўлган эди. Уларни аёвсиз топтаб ташлашди. Самарқанд областида Рашидовнинг жияни Ҳамроқулов область ижроия комитетининг раиси бўлиб ишлаётганида, менинг кўз ўнгимда, область партия комитетини ҳам, ҳуқуқий муассасаларни ҳам топтарди. У ўз фикрини айтишга уринган ҳар қандай кишини кафангадо қиларди. Турли даражадаги мана шундай «чор ҳоким»ларнинг қаноти остида порахўрлик авж оларди. Рашидовга навбатдаги порани бераётиб, мен фақат ўз мансаб даҳлсизлигимни таъминлардим деб ўйлайсизми? Йўқ, мен бу нақд фойдага айланишини ҳам билардим... Фондлар, материаллар олардим, хўжаликни йўлга қўярдим. Бу ходим сифатида менга афзаллик келтирарди. Бироқ ана шу фондларни ва материалларни қўл остимдагиларга тақсимлаётиб, мен ўз ҳаражатларим қопланишини билардим. Шундай ҳам бўларди. Рашидов менга Қаҳрамоннинг юлдузини топшираётиб, бунақасини шунчаки беришмаслигини шиширди. Мен Юлдуз учун унга пул бердим.

Шарқда марҳумлар ҳақида ёмон сўз гапиришмайди. Шунинг учун мен бирор маънавий қиёслардан тийиламан. Фақат бир нарсани айтаман: Рашидов хотини билан йилда бир-икки республиканинг ҳамма областларини айланиб чиқишарди ва бошқа ҳамма ишдан ташқари, биз, область партия комитетининг секретарларидан ўлпон йиғишарди. Бу одатдаги ҳол ҳисобланарди.

Айтмуротов. Мен ким пора берганини, ёки мен кимга узатганимни — буларнинг ҳаммасини санаб ўтирмайман. Шуни айтиш етарлики, Марказий Комитет секретари вақтимда республика Марказий Комитетининг ўзида ҳам — хизмат поғонасида мендан юқорироқ турган бир нечта секретарларга ҳам берганман. Шу жумладан, албатта, Рашидовга ҳам. Москвадаги йирик ходимларга ҳам берганман...

Каримов. Рашидовчилик «қасри» таянган устунларнинг узунлигини, «мустаҳкам»лигини тушуниб етишга ҳаракат қиламиз. Бир томондан, бу — ниҳоятда чигиллашиб ва бир-бирига чатишиб кетган, хўжалик, бюрократик алоқалардир. Онгли равишда ишлаб чиқилган, ман этувчи ва рухсат берувчи бе-ўхшов инструкциялар, хилмахил директивалардир.

Примов. Улар қуйида турувчи хўжалик ходимларини ижроия комитетдаги, райкомдаги, агросаноатдаги ёзув-чизув ишлари билан шуғулланувчи кичик хизматчига ялиниб боришга мажбур қилади. Оқибатда майда пораларни жуда нозик томирлар орқали сўриш бошланади. Бошқа — раҳбарлик-идораларо қаватда анча содда, бироқ, «пораларнинг қудратли оқимга қўшилиш»дек мустаҳкам томир отган системаси юзага келади. Шундан сўнг мана шу оқимдан областдаги, республикадаги, Москвадаги анча юқорироқ мартабали раҳбарларнинг кабинети томон «енглар» узатиладиган палла бошланади. Лекин бунинг ҳам анча нозик томонлари бор — шундай ҳоллар бўладики, энг «юқори» «жойга» чиқиш учун мана шу иплар жуда усталик ва маккорлик билан узоқ вақт ўралади.

Лекин, энг асосийси — бу партия ёки совет аппаратидаги тик турган колоннадир. Райком секретари бригадирдан, агар у қариндош бўлмаса, пора олмаган, албатта... Мен фақат ишончли шахсдангина олардим. Марказий Комитет ходимини айтмай ҳам қўя қолай, обком секретари ҳам худди шу йўсинда ҳаракат қилади. Бунда мазкур колоннани кесиб ташлаш мумкинлигини, лекин «система» қолаверишини тушуниш муҳимдир.

Ҳозир, тергов изоляторида суҳбатдошларнинг гапларини эшитиб ўтирар эканман, илгари бизда уюшган жиноятчилик йўқ, чунки, бундай бўлиши мумкин эмас, деб аюҳаннос солинганлиги бежиз эмаслигини тушунасан, киши. Брежнев даврида мафиячилар ҳокимиятнинг энг олий эшелонларига кириб олдилар. Ўз мақсадлари йўлида фақат экономика тараққиётига эмас, балки қонунчиликка ҳам таъсир ўтказдилар. Терговчилар, прокуратура, суд шундай шароитларга солиб қўйилдики, порахўрлар, давлат мулкини талон-торож қилувчилар, коррупция ташкилотчиларининг жиноий ишлари амалда ёпиб юборилди. Жиноий ишлар статистикаси буни тасдиқлайди. Дарвоқе, бу ишлар шу пайтгача халқ учун ёпиқлигича қолмоқда. Шу боис, дадил айтиш мумкинки, бундай аҳвол уюшган жиноятчилик дунёсидаги «ишбилармон» кишиларга қўл келади. Унинг ҳаётимизнинг барча соҳаларига, бизнинг социалистик жамиятимизнинг энг асосий негизларига бориб тақалувчи қўлларини қандай қилиб кесиб ташлаш керак?

Суҳбатдошларни жиноий жавобгарликка тортиб келган ишни «ўзбеклар иши» деб атаётган кишиларнинг фикрига қўшилиш қийин. Коррупцияда миллат йўқ. Бу мамлакат кўламидаги ҳолки, унда Рашидов ва Брежнев атрофини ўраб олган бир қатор шахслар фақат стрелкачилар ролини ўйнадилар, холос. Гарчи улар ниҳоятда қўрқинчли бўлсалар-да, аммо стрелкачиликдан нариги ўтолмадилар. Энг муҳими, мана шу ҳолни охиригача таҳлил этиб чиқишдан иборат. Коррупция биринчи навбатда кадрларни барча бўғинларда бюрократик принциплар билан кўтариш ва ишга тайинлаш билан қучлидир.

Каримов. Бизда бирон мансабга фақат ўз одамингни қўй, бошқа ҳеч кимни йўлатма, деган қатъий қоида бор эди. Ўз кадрларимиз эса йиллар давомида тарбиялаб вояга етказилган ва синовдан ўтказилган. Бундай одам ўз халқидан, ўз мамлакатидан айрилиб қолган... У «доҳий Рашидов»нинг буюклигига ишонмаган, бироқ, у доҳийчилик принципининг ўзига ишонган. У виждон, ошкоралик, демократизмга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиққан. Чор атрофидагиларга шу касалликни юқтирган.

Бугунги кунда бизнинг суҳбатдошлар қилмишларидан ўкинмоқдалар. Бу борада бизни шунга ишонтирмоқчи бўлаётганлари йўқ. Бу — ҳақиқат.

Бугунги кунда айрим шахслар ишни силжитиш, районнинг, областнинг, республиканинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш учун Ўзбекистонда фақат у ерда эмас, бошқа жойларда ҳам пора олишган ва пора беришган, деган фикрни ўтказишга интилмоқдалар. Бизнингча, бу жуда ҳам тўғри эмас. Бундай таҳминнинг ўзи айнан мафия ташкилотчилари учун манфаатлидир. Бизни порасиз экономикани ривожлантириб бўлмайди, мамлакатни боқиш, кийинтириш мумкин эмас, деб ишонтиришга уринаётганлар ҳам шулардир. Шу сабабли порахўр раҳбарлар учун «алоҳида», ўта қулай шарт-шароитларни яратиб бердилар, «гапга кирмайдиган» кишиларни эса капитал маблағлардан қисиб қолдан тойдирдилар, уларга материаллар, техника фондларини ажратмадилар, оддий одамларни уларга қарши оёқлантирдилар. Ҳалол кишилар «четга чиқа бошладилар». Мафияга кирган кишиларгина майдонда қолдилар.

Каримов. Мен катта ҳокимиятга эришганимда ҳам ўзимни инсон ўрнида ҳис этмасдим. Мен бюрократик, айни пайтда жинояткорона механизмнинг оддий битта винти эдим. Мен қўрқардим. Биз ҳаммамиз бир-биримиздан қўрқардик, айримларимиз яшардик. Мени пенсияга чиқаришларини сўрадим. Пенсияни олиш учун ҳам пора беришга мажбур бўлдим.

Тергов тугагач, суҳбатдошларимиз суд олдида жавоб беришади. Қилмишларига яраша жазоланадилар. Аммо бир қатор масалалар борки, уларга фақат терговнинг ўзи жавоб бериши қийин. Бу саволларга ҳаммамиз, охиригача виждонан туриб жавоб беришимиз керак.

Акс ҳолда рашидовларга таянч бўлган колонна бузилиши мумкин, аммо ҳали ағдарилиб тушгани йўқ. «Мафиянинг кичик амалдорлари»ни таъқиб қилаётган, лекин унинг «генераллар»ига тегмаётган кишилар бу колоннани ушлаб қолишга уринмоқдалар. Булар — СССР Прокуратурасининг тергов группалари ишини фақат Ўзбекистон региони билан чеклаб, унинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган кишилардир.

Шу боис бизни ташвишли ҳис-туйғулар тарк этмаяпти. У экономикадаги чалкашликлардан, социал адолатсизликдан манфаат кўрувчи кишиларнинг ҳаммасини, бюрократларнинг «даҳлсиз» тоифасини ва мафияни юзага келтирувчи ҳамда гуллаб-яшнатувчи бошқа шарт-шароитларни аниқламагунимизча тарк этмайди. Акс ҳолда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг энг асосий қарорларидан бири — социалистик ҳуқуқ давлатини вужудга келтириш ҳақидаги қарорини бажара олмаймиз.

Ўзбек колхозчиларининг умидсизлик гирдобида: «Москва. Мавзолей. В. И. Ленинга...» деб ёзган хатини эсга олайлик. Бу хатни ёзган кишиларнинг қисмати, бу ҳақда ҳам гапириб ўтамиз, оддий бўлмади. Хатни текшириш учун Москвадан келган киши Примовга: «Сариқ чақага арзимайдиган иш экан», аммо сен ҳар қандай йўл билан хатга имзо чеккан ҳар бир кишидан, менинг бошқа даъвом йўқ деб хат юзасидан ўтказилган текширишдан мамнун бўлганлигини ўз қўли билан ёзиб беришига эриш, дейди.

Хатни ёзганлардан шундай тилхатлар олинди. Лекин қандай йўллар билан олинди, ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин. Энг муҳими, текширувчи мамнун ҳолда, очиқ айтамиз, қўни-қўнжи тўлиб қайтди.

Хўш, деҳқонлар нима ҳақда ёзишган эди? Улар райкомнинг собиқ секретари тергов изоляторидагина журъат этиб, Рашидовнинг ва унга ўхшаган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари одамлар олдида ва давлат олдида жиноят қилишга олиб келди, коррупцияни авж олдиришга туртки берди, деган сўзларни ёзишган эди.

Деҳқонлар ҳақиқатни айтдилар ва бунинг учун балога гирифтор бўлдилар.

Бу, бор-йўғи етти йил муқаддам бўлган эди...

Г. ОВЧАРЕНКО,
А. ЧЕРНЕНКО,
(«Правда»нинг махсус мухбирлари).

(«Правда», 1988 йил 17 июль).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
1988 йил учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ва сиртқи: сиёсий иқтисод; экономика ва халқ хўжалигини планлаштириш ҳамда бошқаришни ташкил этиш; меҳнатни илмий ташкил этиш ва экономика; иқтисодий тадқиқотларда математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўлланиш; халқ хўжалигини ва унинг тармоқларини планлаштириш ҳамда бошқариш; СССРнинг иқтисодий районлари, СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш; аҳоли экономикаси ва демография; табиатдан фойдаланиш экономикаси; экономика, саноат ва унинг тармоқларини планлаштириш ҳамда бошқаришни ташкил этиш;

кундузги: статистика; бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили; экономика, фан-техника тараққиётини планлаштириш ва уни бошқаришни ташкил қилиш; нархнаво;

сиртқи: молия, пул муомаласи ва кредит.

Аспирантурага танлаган мутахассислиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин 2 йиллик иш стажига эга бўлганлар ва олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг йўлланмасини олган ёш мутахассислар қабул қилинади.

Ариза ректор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: илмий доклад (мутахассислик бўйича реферат), олий маълумот ҳақидаги дипломнинг нусхаси, синов варақасидан кўчирма, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (4х6 см. ҳажмдаги фотосурат билан), таржимаи ҳол, иш жойидан характеристика-тавсияномa, олий ўқув юртини битиргандан кейинроқ олий ўқув юрти (факультет) кенгаши аспирантурага тавсия этган кишилар кенгаш мажлисининг протоколидан кўчирма тақдим қиладилар.

Паспорт ва олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги диплом аспирантурага кирувчи томонидан шахсан кўрсатилади.

Аспирантурага кирувчилар ўз ихтисослари бўйича, марксизм-ленинизм ва олий ўқув юрти программаси ҳажмида чет тили (немис, инглиз, француз)дан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Кириш имтиҳонларининг 2-тури 1—30 октябрда ўтказилади.

Ҳужжатлар 2-турга 1988 йил 15 сентябргача топширилади.

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй. 1—63 хона. Телефон 45-46-67.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Норматив актларга кўра кооперативдаги меҳнат асосий иш жойи ҳисобланган гражданлар ойига 500 сўмга қадар даромад ёки иш ҳақи олганлари тақдирда даромад солиғини ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойида белгиланган солиқ олиш ставкаларига биноан тўлайдилар.

Анча юқори миқдорда даромад олувчи кооператорлар учун шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб солиқлар ҳажми оширилди. Ойига 501 сўмдан 700 сўмгача даромад олинган тақдирда солиқ пули 60 сўм 20 тийинни ташкил этади. 500 сўмдан ошувчи даромад пулидан 30 процент тўлов ундирилади;

— 701 сўмдан 1000 сўмгача даромад олинган тақдирда солиқ пули 120 сўм 20 тийинни ташкил этади. 700 сўмдан ошувчи даромад пулидан 50 процент тўлов ундирилади;

— 1001 сўмдан 1500 сўмгача даромад олинган тақдирда солиқ пули 270 сўм 20 тийинни ташкил этади. 1000 сўмдан ошувчи даромад пулидан 70 процент тўлов ундирилади;

— 1501 сўм ва ундан юқори миқдорда даромад олинган миқдорда солиқ пули 620 сўм 20 тийинни ташкил этади. 1500 сўмдан ошувчи даромад пулидан 90 процент тўлов ундирилади.

Кооператорлар даромадига солиқ солиш вақтида улар қарамоғида турувчилар учун даромад солиғидан чегириш амалга оширилмайди.

Кооперативлар 1988 йилнинг биринчи кварталида олинган даромадлардан бошлаб кооператив олган даромадлар, унинг аъзолари шахсий даромадлари ҳақидаги декларация рўйхатдан ўтилган жойдаги молия органига тақдим этилиши лозим. Меҳнат шартномасига кўра ишлаётган гражданлар ҳам ана шундай тартибда иш тутишлари керак. Декларация ҳар кварталда кейинги ойнинг 12 числосидан кечикмай ўтган ҳисобот даври учун, бир йил муддат учун эса ўтган ҳисобот йили учун янги йилнинг 20 январидан кечикмай тақдим этилиши лозим.

Кооператорлар ва хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни беркитиш (камайтириб кўрсатиш) учун иқтисодий масъулияти оширилди.

Ана шундай фактлар аниқланган тақдирда беркитилган (ёки камайтириб кўрсатилган) даромадларнинг ҳамма пули кооператив устави рўйхатга олинган ёки хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсат этиш ҳуқуқи берилган халқ депутатлари район Совети ижроия комитети томонидан район ёки шаҳар бюджетига ўтказилади, шунингдек ана шу даромад пулининг 10 процентига ҳажмида жарима солинади.

Ана шу пулларни ундириш молия органлари томонидан амалга оширилади.

Кооператив томонидан ўз даромадини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш ҳоллари иккинчи бор содир бўлган тақдирда тегишли молия органи ҳалқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети олдига ана шундай кооператив фаолиятини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги масалани қўйиш ҳуқуқига эга.


МУКАММАЛ КОНСУЛЬТАЦИЯНИ ШАҲАР-РАЙОН СОВЕТЛАРИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ МОЛИЯ ОРГАНЛАРИДАН ОЛИШ МУМКИН.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/VII дан бошлаб «ИНТЕРЦИРК — 88» гастроллари.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Сузиш: ЖАҲОН РЕКОРДИ

Ватанимиз пойтахтида бир неча кун давом этган мамлакат чемпионати мусобақаларида юқори натижалар қайд этилди. Сузувчилар бўлажак ёзги олимпиада ўйинларига пухта ҳозирлик кўришаётганини амалда намойиш этдилар. Новосибирсклик Игорь Полянский чалқанча сузиш устаси эканини кўрсатади. У юз метрли масофага 55 секунд вақт сарфлаб, жаҳон рекорди ўрнатди. Бу билан Игорь ўзининг рекордини 0,16 секундга яхшилашга муваффақ бўлди Киров. лик Наталья Трефилова 800 метрга эркин усулда сузиб, 8 минут 34,48 секундлик натижа билан Бутуниттифоқ рекордини ўрнатди.

Маҳорат мактаби: ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Республикамизда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Демократик Республикаси футболчилари ўртоқлик учрашувларида иштирок этиб, ўзига хос маҳорат сабоғидан баҳраманд бўлмоқдалар.

— Учрашувларда иштирок этишдан мақсад, — дейди Афғонистон футбол федерациясининг раиси Аҳмет Сиар, — эндигина йўлга қўйилаётган, дастлабки команда таркиб топтирилаётган бир шароитда ёш футболчиларга тўп тепиш, дарвозани аниқ нишонга олиш, кутилмаганда ҳужумга ўтиш, дарвоза даҳлсизлигини таъминлашга интилиш каби футбол сир-асрорларини ўрганишдан иборат. 22 нафар футболчи ўртоқлик учрашувларида гарчанд дарвозага тўп уролмаётган бўлсаларда, ўзбекистонлик йигитларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги, муҳими ҳайрихоҳлигини ҳис этмоқдалар. «Сурхон» (0:2), «Зарафшон» (0:4) коллективларига ютқазди. Энди «Металлург» ва «Шўрчи» командалари билан учрашамиз.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Тингланг, томоша қилинг

19 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 9.35 — «Ўлик жонлар». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Омск телевидение студиясининг программаси. 17.05 — Концерт. 17.25 — Ҳужжатли фильмлар. 18.00 — «Салом, мусиқа!». 18.45 — Уй қура билиш маҳорати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Телефотоконкурс. 19.40 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.10 — «Ўлик жонлар». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Фидойи шахслар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Чашмалар. 9.50 — Француз тили. 10.20 — Объективда — жониворлар. 11.00 — Ю. Слесаров чалади (фортепьяно). 11.30 — Француз тили. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — Рус тили. 12.50 — «Инсонга қанот не даркор». Бадиий фильм. 14.15 — Мультфильм. 14.25 — «Польша йўллари». Бадиий фильм. 5 ва 6-сериялар. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Стол тенниси. СССР чемпионати. 19.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ритмик гимнастика. 21.15 — Реклама. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Польша йўллари». Бадиий фильм, 6-серия. 23.40 — Тонгги почта. 00.10 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.40 — Қувноқ старт-лар. 17.40 — Телефильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Илмий-амалий конференция. 18.45 — Фильм-концерт. 19.35 — Санъат оламида. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Ҳасанова ва Ҳ. Ражабий куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

УзТВ-II. 19.30 — «Истеъдод маскани». 20.30 — Телефильм. 21.00 — Мардлик — мангулик. Душанба. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Концерт. 23.05 — Объективда қайта қуриш. 23.25 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Қўшиғимиз Сизга армуғон. 9.30 — Эстрада пьесалари. 9.45 — Қайта қуриш: муаммолар, ечимлар. 12.10 — Новатор. 12.30 — В. В. Маяковский туғилган кунининг 95 йиллигига. 12.50 — Рақс оҳанглари. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Яна бир бор табассум қил, қувён! 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — Ёзувчилар — болаларга. 15.50 — Врач маслаҳати. 16.00 — Революцияни букиб бўлмайди. 18.15 — Никарагуа революциясига галабаси кунига. 18.30 — Ўзбекистон композиторларининг романслари. 19.20 — Бобохон ва Акмалхон Суфихоновлар ижро этган қўшиқлар. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — М. Ҳожиматова ва А. Салимов куйлайди. 23.00 — Оқшом тўлқинларида.

Р. — 10853. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 165. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12